




Vatandin yaxshi yor bo'lmas! VATANDOSH

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2011 йил, 1 ноябрь, 10-сон

WWW.VATANDOSH.UZ
ФЕСТИВАЛ ФОЛБИ



“Ватандош” газетаси сайти – www.vatandosh.uz 2011 йилги “UZ” миллий домени Интернет-фестивалининг “Оммавий ахборот воситалари йўналишидаги энг яхши сайт” номинацияси бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлди.

2-бетда

СЕВГИ



Аввалига бир-бирларини танимас эдилар. Уларни Севги деган ғаройиб куч топиштирди. Улар ана шу куч сөҳрига мафтун бўлиб қолдилар.

4-бетда

НАСАФ - ОСИЁ КУБОГИ СОҲИБИ

Ўзбекистон футбол тарихида мисли кўрилмаган муваффақият!



29 октябрь куни Қаршининг «Насаф» футбол клуби “Қувайт СК” жамоасини финал ўйинида 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, Осиё Футбол Конфедерацияси Кубогини қўлга киритди. Бу улкан ғалаба нафақат «Насаф» жамоаси тарихида, балки Ўзбекистондаги барча жамоалар футбол тарихида шу пайтгача кузатилмаган оламшумул ва мисли кўрилмаган ютуқдир. Барча ватандошларимизни ушбу тарихий ғалаба билан қутлаймиз!

О'yin suratlarini va qarshidagi bayram shodiyonasini tomosha qilish uchun saytimizga kiring!

ЯНА БУ СОНДА:

ЖИН, СЕҲР ВА ФОЛБИЛАР ҲАҚИДА	5-бет
ДУНЁНИНГ ЭНГ “ЯШИЛ” БРЕНДЛАРИ	8-бет
АҚШДА ТАЛАБАЛАР СЕНИ КАМАЙМОҚДАМИ?	9-бет
ПОЛЬШАЛИК НАВОЙШУНОС БИЛАН СУҲБАТ	11-бет

КЕЛГУСИ СОНДА: АМЕРИКАНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИАРДЕРИ

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ КУЧИ НИМАДА?



Журналистика, ҳақиқий журналистика уйғур лағмониға ўхшайди. Унинг кучи алдашға эмас, бўш жойни тўлдиришға эмас, онгни чиндан ҳам тўлдириш учун бемалол етади. Сиз у журналистикадан баҳраманд бўлиб, ундан ва ўзингиздан қониқиш ҳиссини туясиз.

4-бетда

ҚАДДОФИЙНИНГ ЎЛИМИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ



Қаддофий Ливия ҳарбий кучларининг Бош қўмондони сифатида исёнчи аскарлар томонидан ўлдирилиши халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузмайди. Аммо халқаро ҳуқуқ душман аскарлари қўлга тушгандан кейин ёки таслим бўлгандан кейин уларга жисмоний зарар етказишни қатъиян тақиқлайди.

9-бетда

КХАЙМАНС

Доставка товаров в Узбекистан
Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания



USA
3075 Brighton 14 street,
Apt.44b Brooklyn,
New York. 11235-5561
Tel: +13477223850
+14077220408



E-mail: info@khaymans.com
Web: www.khaymans.com



Ўзбекистон
3 ул. Муқимий,
Яккасарайский р-н,
Ташкент.
Тел: +99871 2806224
Моб: +99897 1113326

АРЕСТОВАНЫ?

ЗВОНИТЕ 24 ЧАСА, 7 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ 718-376-6466

LAW OFFICES OF BUKH & ASSOC., PLLC ATTORNEYS & COUNSELORS AT LAW

АРКАДИЙ БУХ

New York, New Jersey & Nevada License

- РАЗВОДЫ И СЕМЕЙНОЕ ПРАВО
- ИММИГРАЦИОННЫЕ УСЛУГИ

- ЗАЩИТА В ФЕДЕРАЛЬНОМ СУДЕ
- БЕСПЛАТНЫЕ КОНСУЛЬТАЦИИ

T: 718-376-6466 F: (718) 376-3033
1123 Ave Z Brooklyn, NY 11235
www.bukhlaw.com

ОДИН ИЗ НЕМНОГИХ АДВОКАТОВ, ПРЕДСТАВЛЕННЫХ
В ГАЗЕТАХ: NEW YORK TIMES, ASSOCIATED PRESS,
DAILY NEWS И НА ТЕЛЕКАНАЛАХ: CBS, REUTERS



Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: www.vatandosh.com/obuna

WWW.VATANDOSH.UZ – ФЕСТИВАЛ ҒОЛИБИ



26 сентябрь куни Тошкентдаги Ёшлар ижод уйида 2011 йилги “UZ” миллий домени Интернет-фестивалининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда “Ватандош” газетаси сайти – www.vatandosh.uz танловининг “Оммавий ахборот воситалари йўналишидаги энг яхши сайт” номинацияси бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Бу йилги “UZ” миллий домени Интернет-фестивали “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “УЗИНФОСОМ” маркази томонидан ташкил этилди.

Фестивал 10 августдан 26 сентябргача ўтказилди. Танловда фестивал ўтказиб келинаётганидан буён фаолият юритаётган ва “UZ” доменида рўйхатдан ўтган сайтлар иштирок этди.

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг нуфузли мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ташкил этилди. Фестивалнинг танлов дастури 14 та мавзуга оид ва иккита махсус номинацияни ўз ичига олди.

Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин эгалари аниқланди, ғолибларга фестивалнинг махсус диплом ва мукофотлари топширилди.

Бу йилги Интернет-фестивалга жами 1000 та ариза тушиб, улардан 749 та сайт танлов дастурига киритилди. Бу йилги иштирокчилардан 52 фоизи фестивалда илк марта иштирок этмоқда.

“Ватандош” газетасининг расмий сайти – www.vatandosh.uz танловининг “Оммавий ахборот воситалари йўналишидаги энг яхши сайт” номинациясида 2-ўринни эгаллади. Бу йўналишда биринчи ўрин www.olat.uz сайтига насиб этган бўлса, www.infotap.uz ва www.xabar.uz сайтлари 3-ўринга лойиқ деб топилди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАР МАДИНАИ МУНАВВАРАДА



2011 йилнинг 19 октябрдан Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига келишни бошлаган ўзбекистонлик зиёратчилар Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов бошчилигида муқаддас шаҳар зиёратини давом эттирмоқдалар.

Ҳожиларимиз қулай шароитларга эга бўлган “Марказ Тоййиба Саканий” меҳмонхонасига жойлаштирилди. Ушбу меҳмонхона “Масжиди Набавия” билан туташ бўлиб, зиёратчилар барча намозларни ушбу масжидда ўқимокдалар.

Зиёратчилар дастлаб “Масжиди Набавий”да ибодат қилиб, Муҳаммад (с. а. в.)нинг қабрлари жойлашган муборак равзани зиёрат қилдилар. Чундан сўнг ҳожилар улуғ саҳобалар дафн этилган “Уҳуд тоғи”, Ислон тарихидаги илк ибодатгоҳ ҳисобланадиган “Қубо” ва икки қиблали “Масжиди қиблатайн” масжидларини зиёрат қилдилар.

Ишчи гуруҳи аъзолари ва элликбошилар зиёратчиларга Ҳаж амалларини тўла-тўқис бажаришлари учун зарур тушунчаларни бериб, амалий ишларни уюшқоқлик билан амалга оширмоқдалар.


Малакали шифокорлар ҳожиларнинг соғлиқларини доимий назоратга олиб, зарур профилактик муолажаларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистондан келган ошпазлар зиёратчиларга миллий таомлар тайёрлаб, кўнгилларини хушнуд этмоқда.

Мадина зиёратини тугатган ўзбекистонлик ҳожилар ҳаж амалларини бажариш учун Маккаи Мукаррамага жўнаб кетдилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЁШ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ

Ўзбекистон ҳукумати, Россиянинг “Лукоил” компанияси



ҳамда Осие Тараққиёт Банки

Ўзбекистонда қуёш энергияси ишлаб чиқарадиган янги электростанция қурмоқчи. “Expert.ru”нинг хабар беришича, ушбу лойиҳага тикилаётган тўлиқ инвестиция миқдори 6 млрд. доллар атрофида бўлади. Тўла ишга тушганда, станция бир гигаватгача электр энергияси ишлаб чиқариши кутилмоқда.

“Завод бошида 100 мегаватт энергия ишлаб чиқаради, - деди “Лукоил” президенти Вагит Алекперов. – Келажакда иш қуввати бир гигаватга етади”.

Тўлиқ ишга тушганда, ушбу завод қуёшдан энергия олувчи дунёнинг энг кучли станцияларидан бирига айланади.

Ҳозир Ўзбекистон энергияга бўлган эҳтиёжининг 97 фоизини нефт ва газ қоплайди. Ўзбекистоннинг Иқтисодий тадқиқотлар маркази маълумотида кўра, Ўзбекистоннинг газ ва кўмир захиралари мамлакатнинг энергияга бўлган эҳтиёжини яна 20-30 йил қондириши мумкин холос. Нефт конларининг аллақачон таги кўринмоқда. Ана шундай шароитда энергиянинг янги манбаларини қидириш мамлакат олдидаги энг муҳим стратегик вазифалардан бирига айланган.

Ўзбекистонда қуёшдан энергия олиш потенциали 50,9 млрд. тонна нефтга тенг экани айтилмоқда. Бу ерда йилнинг 300 куни қуёшли бўлиб, ҳар бир горизонтал километрдан соатига 2000 киловатт энергия олиш мумкин, дейди энергия бўйича таҳлилчи Анвар Жумаев.

Янги қуёш электростанцияси лойиҳасининг дастлабки босқичи 2011 йилнинг декабрдан бошланади. ОТБ дастлаб бир дон тажриба учун ҳамда бир дон тижорий мақсадда, жами иккита қуёш энергиясини ишлаб чиқарувчи янги завод қурилиши учун 1,5 млн. доллар ажратади. Дастлабки тажриба натижаларига қараб, лойиҳанинг кейинги босқичлари амалга оширилади.

ГАЗДАН ЁҚИЛҒИ ОЛАДИГАН ЯНГИ ЗАВОД

Тошкентда Жанубий Африканинг “Сасол” номли энергетика ва кимё sanoati компанияси билан ҳамкорликда табиий газдан ёқилғи ишлаб чиқарадиган янги завод қуриш ҳақида келишув имзоланди. 2011 йил охирида қурилиши бошланадиган завод тўла ишга тушганда йилига 1.4 млн. тонна суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Лойиҳада «Ўзбекнефтегаз» 44, 5 фоиз, Малайзиянинг «Петронас» компанияси 11 фоиз ҳамда «Сасол» 44, 5

фоиз улушга эга бўлади. Завод учун хом-ашё Шўртан газ конидан олинади. 2011 йил



охирида қурилиши бошланадиган завод тўла ишга тушганда, йилига 1.4 млн. тонна суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

“Сасол” компанияси ана шундай янги заводларни Канада ва АҚШда қуриш бўйича ҳам томонлар билан битимлар имзолаган.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА 475 МЛН. ДОЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1 октябрь - ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан устозларга йўллаган табригида, келгуси йил мамлакат таълим тизими учун жами 827 миллиард сўм, яъни, 475 миллион АҚШ долларидан кўпроқ пул сарфланишини билдирган.

Бу маблағ академик лицейлар, профессионал коллежлар, умумтаълим мактаблари ҳамда шу каби муассасаларни қуриш ва таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий техникавий базасини замонавийлаштириш дастурларини амалга оширишга сарфланиши



мўлжалланган.

Ўзбекистонда 1 октябрь - 1996 йилдан бери ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонлаб келинади.

МИЛЛИЙ КУТУБХОНА БИНОСИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ

Тошкентда Миллий кутубхона ва симпозиумлар халқаро маркази биноси фойдаланишга топширилди. Янги бино шаҳар марказида бўлиб, “Пойтахт” бизнес маркази ва “Мустақиллик” метроси яқинида жойлашган.

Бино олдида иккита фонтан ва бир неча каштан дарахтлари ўрнатилган

Миллий кутубхона биносининг лойиҳаси “ТАШГИПРОГОР” ОАЖ томонидан тайёрланган. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Vol. 10. Tuesday,
November 1, 2011

Publisher:
Farhod Sulston

Editor-in-chief:
Behzod Mamadiev

Deputy Editors:
**Davronbek Tojialiev,
Mavlon Shukurzoda**

Editors:
**Alisher Aymatli,
Toshpulat Rahmatullaev**

Managing Editors:
**Tamara Nazarova
Ulugbek Qosimov**

Advertising Manager:
Sodiq Fayzulla

Web Developers:
**Shukhrat Pardaev
Shohruh Kenjaev**

Partner organization:
**Uzbek Association of
Commons**

**Editorial and Executive
office:**

2705 Coney Island Ave.
Brooklyn, NY. 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com

Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in *Vatandosh*.

“Ватандош” газетаси билан ҳамкорликда ишлайман, ўз маҳсулот ва хизматларимни ушбу нашрда тарғиб қиламан, бу янги нашрнинг оёққа туриб олишига ҳомийлик кўрсатаман, деганларга ҳеч қандай монелигимиз йўқ, эшигимиз Сиз азизлар учун ҳамиша очик!

буюртмаси билан, қурилишни



“Трест 12” ОАЖ амалга оширган. Янги бинода китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимлари, ўқув зали, китоб фондларини сақлаш бўлими ҳамда халқаро симпозиумларни ўтказишга мўлжалланган 1200 ўринли зал мавжуд.

“Замин Пресс” ижодий уйи директори ўринбосари Барно Икрамованинг айтишича, янги қурилган кутубхона биносига 5 миллион фонд сиғади. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фонди эса 10 миллион нусха ҳисобланади.

ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ

УЧУН 100 МЛН. ДОЛЛАР

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистонга темир йўллари ривожлантириш, бу орқали мамлакат ва минтақавий савдони ривожлантириш мақсадида 100 миллион доллар миқдорда кредит ажратмоқда. Бу ҳақда ОТБ матбуот хизмати хабар таркатган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда “Темир йўллари электриштириш” лойиҳасига биноан Самарқанд вилоятининг Мароқанд ва Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳарлари ўртасидаги 140 км узунликдаги темир йўл электрлаштирилмоқда.

Ушбу темир йўл МОМИХ-6 (Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги) йўлагининг бир қисми ҳисобланади ва у Ўзбекистоннинг шимолий қисмини жануб билан ҳамда Марказий Осиё орқали Европани Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё билан боғлайди.

ОТБ маълумотларига кўра, мазкур темир йўлнинг



шимолий қисми электрлаштирилган, бироқ жанубий қисми эса йўқ. Бу ҳолат йўловчи ва юкларни ташишда баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда, айниқса дизел локомотивлари бунда жуда секин ҳаракатланади.

Ушбу лойиҳа Қарши

ва Мароқандга пахта, боғдорчилик маҳсулотлари, мрамор, нефть ва газ каби маҳсулотлар экспортини оширишга ёрдам беради. Бу линия кейинчалик Ҳайратон – Мозори-Шариф темир йўли билан ҳам боғланади.

Ўзбекистон ҳукумати ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК ушбу лойиҳага яна 76 миллион доллар маблағ ажратмоқда. Шундай қилиб, лойиҳанинг умумий қиймати 176 миллион долларга тенг бўлади. Лойиҳа 2016 йилнинг март ойигача якунланади.

ПУТИН ЯНА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ

Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведев 4 декабрь куни Давлат Думасига бўлиб ўтадиган сайловларда “Ягона Россия” партиясини бошқаришга рози бўлди ҳамда у Владимир Путинга президентлик сайловларида номзодини қўйишни таклиф қилди.

“Ягона Россия” партиясининг 24 сентябрь кунги мажлисида Россия Федерацияси президенти ва ушбу партия етакчиси Владимир Путин ҳам 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Давлат Думаси учун сайловларда партия рўйхатини ҳозирги президент Дмитрий Медведев бошқаришини таклиф қилди.

“Сўнги йилларда бизда шундай тажриба пайдо бўлдики, яъни “Яго-



на Россия” партиясининг сайловолди рўйхатини президент бошқаради. Мен ушбу аънанани бузишни хоҳламайман... Бу партиямизнинг обрўсини кўтаради ва кутилаётган ғалабани таъминлайди”, – деди Владимир Путин.

“Бу, шубҳасиз, масъулиятли ва жиддий таклифдир. Мен уни қабул қиламан”, – дея таъкидлади Дмитрий Медведев ўз нутқида. У нима учун бундай қилаётганлиги сабабларини ҳам келтириб ўтди. Унинг сўзларига кўра, партия амалга ошираётган ишларнинг барчаси мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларига мос тушади. Партия президентга ҳам кўмак бериб келмоқда.

Шундай қилиб, 2012 йилги президентлик сайловларида “Ягона Россия” партиясини номидан Владимир Путин ўз номзодини қўядиган бўлди. Ўз навбатида, Путин ҳам ҳукумат

раҳбари, яъни бош вазир лавозимига Дмитрий Медведевнинг номзодлигини қўллаб-қувватламоқда.

АҚШ ДАВЛАТ ҚАРЗИ ҲАР ДАҚИҚА 3 МИЛЛИОНГА КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунга келиб АҚШнинг давлат қарзи 14, 639 триллион долларга етди. Барак Обама президентлик қасамёдини қабул қилган пайтда, яъни 2009 йил январ ойида ушбу рақам ҳозиргидан кўра 4, 247 триллион долларга кам эди.

Шундай қилиб, Америка федерал ҳукуматининг қарзи қора танли раҳбар бошқаруви остида ҳар дақиқада 3 миллион долларга кўпаймоқда. Бу кўрсаткич бутун АҚШ тарихидаги энг юқори ўсиш суръати саналади, дея ёзади “The Los Angeles Times” газетаси.

АҚШ президентлигига номзод бўлган Республикачилар партиясини аъзолари ушбу статистикани Обамага қарши жуда фаол қўллашмоқда. Уларнинг сўзларига кўра, Оқ Уй раҳбари томонидан қабул қилинган иқтисодий 787 миллиард доллар ҳажмида рағбатлантириш дастурига (ТАРП) қарамасдан ўтган 3 йил мобайнида мамлакатнинг давлат қарзи ниҳоятда катталлашиб кетди, ишсизлик даражаси эса 9, 1 фоизгача етди.



Сўнги уч ой мобайнида АҚШ Конгресси давлат қарзининг юқори чегарасини кўтариш масаласини жуда қизгин муҳокама қилди. Агарда республикачилар Барак Обаманинг таклифига рози бўлишмаганида, жаҳоннинг энг йирик иқтисодий техник дефолт ҳолатига тушиб қолиши ҳам мумкин эди. Бироқ, охир-оқибат конгрессменлар давлат қарзининг юқори чегарасини кўтаришга рози бўлиб овоз беришди.

“Standard & Poors” (S&P) халқаро рейтинг агентлиги АҚШ молия тизимига шубҳа билан қаради ҳамда ўз тарихида илк марта унинг узоқ муддатли кредит рейтингини “AAA” даражадан “AA+” даражага туширди. Ушбу қарор жаҳон фонд бозорларини ларзага келтирди, ҳатто бунинг оқибатида “S&P” раҳбари истеъфо беришга ҳам мажбур бўлди.

ЕВРОПА ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

Давлат қарзи муаммоси фақат АҚШнинг елкасида эмас, ҳақиқий қарз инқирози бошқа молиявий марказда юз бермоқда. Бу – шубҳасиз, евро уни умумий пул бирлиги сифатида қабул қилган еврозонадир. Сўнги иқтисодий инқироз Грециянинг бюджет сиёсатидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб қўйди – унинг давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 160 фоизгача етди. Натижада, ягона Европа валютасининг барқарорлигига жиддий путур етиши мумкин.



Расмий Афинага 100 миллиард евродан ортиқ молиявий кўмак кўрсатилди, бироқ муаммо фақатгина греклар билан чекланиб қолмай, балки худди шу ҳолат Ирландия, Испания ва Португалияда ҳам кузатилмоқда. Сўнги вақтларда вазият жудаям кескинлашиб кетди. Энди хавф Европа Иттифоқининг энг йирик иқтисодийларидан бири – Италиягача етиб келди. Унинг қарздорлик даражаси 1 триллион евродан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич юқорида саналган барча мамлакатларнинг қарзлари йиғиндисидан ҳам кўпроқ.

Қарзга ботган барча мамлакатларни қутқариш учун Европа Иттифоқининг барқарорлаштирувчи фондидаги маблағлар ҳам етмайди. Ушбу мамлакатларнинг бирортаси дефолт, яъни қарзни тўлай олмаслик ҳолатини эълон қиладиган бўлса, бу бутун еврозона бўйлаб салбий оқибатларни келтириб чиқариши табиийдир. Энг ёмони, еврозона тарқатилиб, бу бутун дунё учун энг кучли валюта ва иқтисодий инқироз бўлиши мумкин.

Сир эмас, кўпчилик экспертлар еврозондаги қарз инқирозининг жаҳон иқтисодий учун хавфларини яққол кўриб турибди.

Авалло, Грециянинг, кейинчалик эса Португалия ва Ирландиянинг дефолт ҳолатига тушиб қолиши янги жаҳон инқирозини бошлаб беради, албатта.

Ҳозирча, Европа Иттифоқи қийин аҳволга тушиб қолган мамлакатларга кредит бериб ёки уларнинг қарзларини реструктуризация қилиб ушбу муаммони ҳал қилиши мумкин. Европа марказий банки, ўз навбатида, ушбу мамла-

катларнинг ҳукумат облигацияларини иккиламчи бозорда сотиб олмоқда. Кўпчиликнинг фикрича, бу каби уринишлар фақатгина вазиятни юмшатиши мумкин ҳолос, аммо муаммони тубдан ҳал қила олмайди. Бу дегани – жаҳон иқтисодий янги молиявий инқироз оstonасида турибди, дейишга асос бўлади.

АЛКОГОЛ ВА ТАМАКИ ИСТЕЪМОЛИ ЧЕКЛАНДИ

2011 йил 4 октябр куни «Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун ҳужжатига кўра қуйидаги янги тартиблар жорий этилди:

- Пиво алкоголь маҳсулотлари таркибига киритилди.

- Давлат органларига алкоголь ва тамаки маҳсулотлари чеклови учун ваколат берилди.

- Алкогол ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш фақатгина юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Турли мустақил расталарда (мактаб ва метро атрофида тамаки сотаётган майда тадбиркорлар ҳам) бу маҳсулотларни сотиш қонунан тақиқланади.

- Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг зарари ҳақидаги ёзув этикетканинг 40% майдонини эгаллаши лозим (аввал 20% эди).

- 20 ёшга тўлмаганларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш тақиқланади.

- Таълим, спорт ва диний муассасалардан 500 метр кам радиусда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш тақиқланади.

- Очик пачкадан доналаб сигарет сотиш тақиқланади (болалар учун олиш имкони бўлмаслиги мақсадида)

- Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг ҳар қандай рекламаси тақиқланади.

- Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг ҳар қандай очик ва яширин тарғиботи тақиқланади. Клип, филм, плакат, фотография ва бадий постановкаларда алкоголь ва тамаки тарғиб этилмаслиги керак.

- Жамоат жойларида (иш жойи, кўча, стадион, майдон, парк, жамоат транспорти) алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланади.

- Иш жойлари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, спорт-соғломлаштириш масканлари, ёнғинга хавфли жойлар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, жамоат транспортида тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши тақиқланади.

Дунёда саволлар кўп ва уларнинг аксарияти бир-бирига ўхшаш. Шунинг учун ҳам уларга жавоб бериш вақтида биз таққос, қиёс, ўхшатма каби қулай имкониятлардан фойдаланишимиз мумкин. Ушбу имкониятларни эса, футбол тили билан айтганда, голга айлантириш масаласи ё маҳоратимизга, ё омадимизга, ёки бўлмасам, одатий ишимизга боғлиқ бўлган ҳодиса деб қарайлик.

Мен жуда ҳурмат қиладиган ва яхши кўрадиган курсдошим агар имкон берилса, мактабдаги қайси бир даврга қайтиб қолишни хоҳлардинг деб сўраган эди. Мен озгина ўйлаб, олтинчи синф дегандим. Чунки айнан шу давр, адашмасам, синфимиз тарихидаги энг яхши бир давр эди. Барча синфдошларим ўқирди, ёмон ўқийдиган ўқувчи йўқ эди. Бу ўқитувчиларнинг кучсизлиги билан боғлиқ эмасди. Тўққиз йиллик бутун таълим олиш жараёнимизда шу даврдагичалик талабчан ва ҳақиқатда ҳам талабига яраша билими бор ўқитувчилар бўлмаган, десам менга ишонаверинг. Шунинг учун ҳам ўша даврда

қўшаётган вақтда меҳридан бир чимдим олиб қозонга ташлаб юборади, бундан ҳам хабардоримиз. Яна ҳам тушунтириброқ айтадиган бўлсак, «Кунг-Фу Панда» мультфильмидаги Панданинг отаси айтганидек, «унинг томирларида лағмон шўрвалари оқаётганини» ҳамма билади. Шунинг учун у пиширган лағмонни тановул қилиш вақтида биз ростдан ҳам маза қиламиз, яна ва яна егимиз келади, лекин энг асосийси қорнимиз тўйганини ҳис қиламиз. Чунки у ростдан ҳам қорин тўйғазадиган егулик ҳисобланади.

Журналистика, ҳақиқий журналистика ўша уйғур лағмонига ўхшайди. Унинг кучи алдашга эмас, бўш жойни тўлдиришга эмас, онгни чиндан ҳам тўйдириш учун бемалол етади. Сиз у журналистикадан баҳраманд бўлиб, ундан ва ўзингиздан қониқиш ҳиссини туясиз.

Лекин... лекин ҳар қандай куч, Педагогика Уни-

Долзарб мавзу

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ КУЧИ НИМАДА?

синфдошларимда ўқишга нисбатан меҳр бўлгандир балки... Бутун синф энг кўп соғинадиган, энг кўп яхши кўрадиган фан эса алгебра ва геометрия эди...

Геометриядан алгебра қизиқроқ ўтарди ва шу дарсда домламиз бизга мавзуларни оддийгина торт ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиларди. Биз бирор мавзунини тушуна олмасак, тортни тасаввур қилиш одатий ишимизга айланиб қолганди. Агар жуда ҳам тушуна олмасак, ўқитувчимиз охириги чора сифатида пул мисолида тушунтириб берарди мавзунини. Ана унда ҳеч бир қийинчиликсиз ҳаммининг мияси мавзунини тезда ўзлаштириб оларди. Лекин пул мисоли камдан-кам, жуда ҳам кам қўлланилган. Ўзини қийнамасдан пул билан «ишни битириши» мумкин бўлса ҳам, домламиз, менимча, бизни яхши кўргани учун ҳам имкон қадар мавзуларни фақат торт ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Хуллас, тошбақадан ҳам пастроқ тезликда ҳаракатланишга интилган бўлсак-да, сарлавҳада берилган саволга жавоб бериш учун секин-аста етиб келдик. Олтинчи синфдаги устозим математика мавзуларини тортга ўхшатганидан илҳомланиб, мен журналистикани овқатга ўхшатгим келди шу пайт. Овқатлар кўп, шунинг учун бир турини танлаб оламиз. Мисол учун, лағмон. Бу таом биз бугун гапираётган соҳа учун жуда мос тушади. Айниқса, «қўлоқда осилиб туриш» борасида.

Шундай қилиб, биз 5 дақиқада тайёр бўладиган лағмон ҳақида биламиз. Энг машҳури «Роллтон» деб аталади ва ҳатто шу ном ўша ярим-тайёр егулик учун хос номга ҳам айланиб кетган. Сиз уни арзиманган вақт ичида тайёрлайсиз, у иссиқ бўлади. Лекин у қорин тўйдириш учун тановул қилинмайди. У қорин тўйғазмайди. У қоринни тўлдиради. Сиз унинг ёрдамида фақат оч қорингизни маълум бир вақтгача алдаб тура оласиз холос. Бундан ташқари, Ўзбекистонда сотиладиган турли хил «роллтонлар»нинг устига «ҳалол» деб ёзиб қўйгани билан, сиз уни ростдан ҳам ҳалолми ёки ҳалолмасми, буни била олмайсиз, уни қандай шароитда тайёрланганини билмайсиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, унинг кўп шубҳали томонлари бўлади ўзига яраша.

Энди ўзингиз ёки уста бир ошпаз томонидан тайёрланган, уйғур ёки чўзма лағмон ҳақида гаплашамиз. Сиз тайёрламанг, келинг, ўша келиб чиқиши уйғур бўлган уста ошпазга пиширтирайлик лағмонни. Биз бу ошпазнинг доимий меҳмонимиз. У ўз лағмонини қанчалик ҳалол ва покиза маҳсулотлардан тайёрланишини биламиз. У лағмонни шўрвасига туз

НИМАДА?

верситети пештоқиға ёзиб қўйилганидек « — билим ва тафаккурда» эмас, балки, Тошкент шаҳри гербига ёзилганидек « — адолатдадир». Журналистиканинг

ҳам кучи, шу жумладан. Билим ва тафаккурнинг зарурлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас, аммо адолат бўлмас экан, билим ва тафаккурнинг фойдаси ҳақида гапириш у ёқда турсин, ўша билим ва тафаккур олишнинг ўзи муаммога айланиб қолади. Айтайлик, бояги ошпаз қандай қилиб шундай лағмон устасига айланди? Лағмон пишириш бўйича билим орттирган. Аммо билимни олишдан аввал у Киши ўзига, ўзига берилган муҳлатга нисбатан адолатли бўла олган. «Вақтим бор, вақтим борида ўрганиб олай», деган. Кейин эса олган билимига нисбатан ҳам адолатсизлик қилмаган. Ҳунарини элга кўрсатиб, ҳам ўзи фойда олган, ҳам одамларга хизмат қилиб, уларнинг раҳматини эшитган. Меҳрини қозонган. Ҳеч шубҳа йўқки, биз унинг лағмонини егани боргунимизча, у бир нечта шогирд ҳам чиқарган ва бундан кейин ҳам чиқарса керак.

Аксинча ҳам бўлиши мумкин эди. У: «Мен энг зўр лағмончиман, нега энди бошқаларга кўрсатишим, бошқаларга ўргатишим керак?», деган ғалати бир савол билан ўзини-ўзи еб, жонига, умрига нисбатан ҳам адолатсизлик қилиши мумкин эди...

Журналистикада ҳам шундай инсонлар бор. Уларда билим бор. Улар ниманидир билишади. Аммо бу билимдан фойдаланишмайди. Билганларини кўрсатишмайди. Билганларини билдирмасликни адолат деб билишади. Ёхуд кўрқишади. Улар ўзларига, олган билимларига нисбатан адолатсизлик қилишади. Оқибат шу бўладики, уларнинг адолатсизлигидан келиб чиққан кўрқоқлик натижасида жамиятда бошқа бир адолатсизликлар пайдо бўлади. Жамият адолатсизликлар ичида қолади. Бошқа йўл йўқ, чунки ҳаётда ҳар бир нарса бир-бирига занжир каби боғланган. Кимдир бошидаги битни ёмон кўрса, мен кўчадаги катта итларни ёмон кўраман. Аммо ўша битнинг ҳам, итнинг ҳам ўз вазифаси бор ва уларнинг бирдан йўқ бўлиб қолиши занжирнинг узилишидек гап. Лекин бошни битдан қутқариш мумкин, итни тарбиялаб, вафо тимсолига айлантириш ҳам мумкин. Айни йўлда, жамиятни ҳам қутқариш, ўзгартириш, янгилаш мумкин. Фақат жамиятнинг устунлари ва пойдеворлари ҳеч бўлмаса ўзларига нисбатан адолатли бўлишлари керак бўлади.

Сарлавҳада қандай савол берилганди? «Журналистиканинг кучи нимада?». Менимча, адолатда.

Муҳрим АЪЗАМХЎЖАЕВ

СЕВГИ

Аввалига бир-бирларини танимас эдилар. Уларни Севги деган ғаройиб куч топиштирди. Улар ана шу куч сеҳрига мафтун бўлиб қолдилар.

Ажаб, Севги ҳеч қачон ёлғиз юрмас экан. Унга Ҳижрон деган аланга эргашиб келди. Улар ана шу аланга оташида баравар куя бошладилар.

Ниҳоят, Ҳижрон алангаси сўнди-ю, Севги Висол деган энтиктирувчи туйғуни етаклаб келди. Энди улар бахтиёр эдилар.

Ажаб, Севги ҳеч қачон ёлғиз юрмас экан. Энди у Синов деган тўсиқни етаклаб келди. Агар улар Севгининг қўлидан маҳкам тутишганида бу тўсиқдан ўтишлари мушкул эмасди. Аммо ундай бўлмади. Улар Синов олдида чекиндиладар.

Ўртада Шубҳа, Рашк деган шарпалар ўрмалаб қолди. Шунда улар ўзларини топиштирган Севгига илк бор таъна тоши отдилар.

Севги шунда ҳам уларни кечирди. Сабот, Меҳр деган кучларга ошно қилишга уринди. Аммо улар Саботни ҳам, Меҳрни ҳам унутдилар. Ўзларини топиштирган Севги деган «ёвуз куч»га лаънат айтдилар!

Шунда... Уларнинг қисматиға Хиёнат кириб келди! Улар Севгини айблай-айблай, охири... ажрашдилар...

Қисмат чорраҳасида эса учта бегуноҳ гўдак чирқиллаб қолди. Беш яшар ўғил, уч яшар қизалоқ ва... етим қолган Севги...

БУРЧ

Ҳатто булбул ҳам бола очганидан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди.

БЕКОРЧИЛИК

Иш кўплиги-ю, вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт кўплиги-ю, иш йўқлигидан қўрқинг. Одамни абгор қиладиган нарса — бекорчилик.

ЎРТАДАГИ ОДАМ

Ўртадаги одамга ҳавас қилманг. Ҳам болгадан зарба ейди, ҳам сандондан.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Баъзилар «ҳалол ва ҳаром» деганда «еб-ичиш мумкин бўлган ва еб-ичиш мумкин бўлмаган» нарсани англайдилар... Юзаки тушунча! Аслида бу — «қилиш мумкин бўлган ва қилиш мумкин бўлмаган» амаллар дегани ҳамдир...

Биласиз: нон энг табаррук неъмат. Бироқ нопок йўл билан топилган нон ҳам ҳаром! «Нонингни ҳалоллаб е», деган гап бежиз айтилмаган.

ЁМОНЛАРНИ АСРАНГ

Ёмонларни эҳтиёт қилинг! Ёмон йўқ бўлса, яхшининг қадрини билмай қолади!

«БОЕВИК»

Автобус бекатида «Интернет-клуб» бор. Мактаб болалари дарсдан чиқади-ю, «гурр» этиб шу ерга югуради. Ҳар кун. «Боевик» ўйнаш учун. Соатига беш юз сўм...

Албатта, «Интернет-клуб» бўлгани яхши. Ёшларни замонавий техника билан ишлашга ўргатади, компьютер билан ошно қилади... Фақат... боласига «боевик» ўйнаш учун кун ора беш юз сўм берадиган ота-она «у ҳафта «боевик» ўйнаган бўлсанг, бу ҳафта бир ярим минг сўмга китоб олақол», демайди...

Китоб бир соатга эмас, бир йилга, ўн йилга, ҳақиқий зўр асар бўлса, бир умрга хизмат қилади!

Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асаридан олинди.

ЖИН, СЕҲР ВА ФОЛБИНЛАР ҲАҚИДА

Инсонни адаштирувчи кофир жин уч ҳолатда одамнинг ичига кириб олиши мумкин экан:

1. Гуноҳи кабира қилаётганда.

2. Қаттиқ хафа бўлганда.

3. Қаттиқ хурсанд бўлганда.

Гуноҳи кабира қилаётган пайтда кириб олган кофир жин инсонни ўша гуноҳ билан буткул залолатга ура-тишни режа қилади. Инсон ўзини бу гуноҳдан сақлашга уринса-да, жин васаваса қилиб, ўша гуноҳи кабирани қилдираверади.

Инсон қаттиқ хафа бўлганда, тақдирдан маломат қилиб, Аллоҳни эсдан чиқаради. Қаттиқ хурсанд бўлганда ҳам Аллоҳни унутди. Шу ҳолатда инсонга жин кириб олиши мумкин.

Жиннинг васвасаларидан қутулиш учун Куръон ўқиб уни чиқариб юбориш ўрнига, одамлар дарҳол фолбинга югадилар. Фолбиннинг ҳам ичига жин борлиги учун, беморнинг ичидаги жин билан мулоқот қилади. Кофир жин эса инсонни залолат ботқоғига яна-да чўктириш мақсадида, унинг номига қурбонлик сўйса, ўша одамдан чиқишни айтади. Фолбин эса жиннинг талаби битта товух ёки кўйни қурбон қилиш эканини етказди. Сўнг инсон жиннинг номи айтиб қурбонлик қилади. Танасидан жин чиқиб кетганидан енгиллаб, фолбинга ихлоси ошади. Бу билан у иккита гуноҳи кабира қилиб, иймонидан ажралади: биринчидан, фолбинни тасдиқлагани учун, иккинчидан Аллоҳдан ўзга атаб қурбонлик сўйгани учун.

Жин эса бундан сўнг ҳам тинч турмайди. Фолбинга бориб, ўша одамни ўзига яна боғлаб беришни талаб қилади. Ихлоси тушган “бемор”га фолчи “шу вазифани олмасангиз бўлмайди”, деб уқтиради. Натижада яна янги фолбин пайдо бўлади.

ҲАЛОЛ СЕҲР НИМА?

Ваҳид Абдуссалом айтади: “Эй синглим!

Сен эрингни ўзинга иситаман, деб ҳаром фолчиларга бординг-а... Иймондан ажрадинг-а... Аллоҳнинг расули қайтарган ҳаром жойга ҳалол пулларингни сарфладинг-а...

Менга қулоқ солгин-а, сенга ҳалол сеҳрни ўргатай:

Эринг сени, фарзандларингни боқаман деб кўчада ишлаб, ҳориб уйга келганда рўпарасида кулиб турган, эри учун гўзал кийимларини кийган хушсурат, хушмуомала аёлини кўришни хоҳламайдими?

Сен эса биронта маросим бўлса бировлар учун гўзал кийимларни кийиб, атир-упалар билан ўзинга оро берасан-у, шуларни сенга олиб берган эринг ишдан келганда эса доғланмаган ёғ ҳиди уфуриб турган ямоқ кийим билан уни кутиб оласан. Унга яхши келдингизми, дея кўнгил сўраш ўрнига, кундалик ғалваларингни гапирасан. Шундай қилишга қиласан-у, кейин фолчи қидириб юрасан. Сен унинг учун пардозланишинг ва унга гўзал муомала қилишинг сеҳрнинг ҳалолдир. Сен яна бунда Аллоҳнинг ризолигини ҳам топасан.”

ҚАЛАМ НЕГА ЁЗМАДИ?

1500 га яқин китоб ёзган ҳиндистонлик буюк олим Ашраф Али Таҳонавий “Баёнул Куръон” деб номланган тафсири ёзаётган пайтлари аёллари у кишига иш буюрибди: “қафасдаги қушга донини бериб, сўнг мадрасага кетинг”. (Шундай буюк зотларга ҳам аёллари иш буюраркан)

Ҳазрат “Баёнул-Куръон”нинг хаёлида аёлларининг гапини эсдан чиқариб, мадрасага кетаверибдилар.

Шу зотнинг шогирдларидан Шафеъ Усмоий айтади:

“Агар бир одамнинг 1500 та китоб ёзишига кимки шубҳа қиладиган бўлса, унга икки гуноҳкор кўзим билан кўрганганимни айтиб берай: “Мен Таҳонавийнинг қаламини қўли тегмаган ҳолда китобнинг устида айланиб ёзаётганини кўрганман”.

Ўша куни тафсири давом эрттирмоқчи бўлган олимнинг қалами қимирламабди. Харчанд уриниб, уни юргизишга ҳаракат қилмасин, қалам турган жойида тураверибди. Шунда Яратганга “Ё, Аллоҳим, мен ҳар доим ёзишга ўтирганимда қалам ўзи ёзишни бошларди, мендан нима гуноҳ содир бўлдики, бугун қаламим ёзма-япти” деб нола қилибдилар. Шунда қуш эса тушиб, қаламни ташлаганча, уйга югуриб кетибдилар.

Уйга бориб, қушга дон бериб келганларидан сўнггина қалам қимирлаган экан. Қалам ёзишни бошлаган жой эса “Нисо” сурасидаги “Аёлларингиз билан яхши муомалада бўлинглар!” деган оят экан.

ГЎЗАЛ ҲИЙЛА

Англиялик мустамлакачилар Ҳиндистон мусулмонларини қатағон қиларкан, минглаб қори ва олимларнинг бошини олган экан. Мусулмон раҳбарларидан, буюк олим, “Ҳужжатул Ислому” Қосимун

Нонутвийни ҳам ҳибсга олиш учун келганларида у зот Масжиди Чаттада байтуллоҳни супуриб юрган экан. Буюк олимнинг жулдур кийимларда масжид супураётганини кўрган аскарлар, у кишидан “Қосим қаерда?” деб сўрашибди.

Қосимун Нонутвий ҳикоя қилдилар:

“Мен умримда ёлғон гапирган эмасман. Ўлимга рўпара келиб турган вақтимда ҳам ёлғон гапирмадим. Улар мендан “Қосим қаерда?” деб ўзимни сўрашди. Шунда мен билдирмай, бироз орқага тисарилиб: “Бир пас олдин шу ерда эди” – дедим. Шунда улар Қосим шу атрофда бўлса керак, деб тарқалишганда мен ҳам қочиб кетишга улгурганман”.

ҚАЛБ МАМЛАКАТИ

Ашраф Али Таҳонавий айтадилар:

“Дунёнинг энг буюк подшоши бирон мамлакатга бостириб кирса, аввал ўша давлатнинг энг киборларини хор қилиб ташлайди.

Қалб ҳам жуда кенг бир мамлакат. Унинг ҳам ичида Кибр, Бахиллик, Ҳарислик, Ёмон гумон деган ифлос киборлари бор.

Шу мамлакатга шоҳларнинг Шоҳи кириб келса борми, уларнинг ҳаммаси ювилиб кетади.

Бас, қалбни зийнатлантириш учун кўп зикр қилинг”.

УЧ ДИРҲАМЛИК ЖАННАТ САВДОСИ

Буюк муҳаддис Имом Абу Довуд денгизнинг қирғоғида ўтирсалар, узоқдаги кемада овози баланд инсоннинг акса урганини, сўнг “Алҳамдулиллаҳ” деганини эшитибдилар.

“Алҳамдулиллаҳ” дейилгандан кейин “Ярҳамукаллох” дейиш вожиб. Абу Довуд “Ярҳамукаллох” демоқчи бўлсалар, у одам эшитмайди. Чунки ҳазратнинг овозлари баланд эмас, акса урган одам эси узоқда. “Алҳамдулиллаҳ”ни эшитган одамга “Ярҳамукаллох” дейиш вожиб бўлиши учун улар бир жойда турган бўлишлари керак.

Шунда Имом Абу Довуд бир қайиқни 3 дирҳамга кира қилиб, кемага бориб, ҳалиги акса урган одамга “Ярҳамукаллох” деб қайтган эканлар.

Абу Довуд айтадилар: “Шунда қулоғимга бир нидо эшитилди: Эй Абу Довуд, 3 дирҳамга жаннатни сотиб олдинг”.

ОЛИМНИ МОТ ҚИЛГАН “АЖНАБИЙ”

Муҳаммад Тақий Усмоий ҳикоя қилади:

“Бир куни хонамда ўтирсам сочлари ва кийиниши буткул ғарбона бўлган бир йигит олдимга кирди. Унда иймоннинг милтираб турган чироғи ҳам кўринмасди. Йигит савол берди:

— Ҳазрат, менинг ишим катта банк соҳасида ҳисоб-китобдан иборат. Мен буни Англияда ўқиб ўрганман. Шу ишнинг моҳиятини биласизми?

— Биладан, Ҳиндистонда мен билган 3 та шу соҳанинг забардасти бўлса, тўртинчиси сен экансан.”

— Менинг даромадим шаҳар ҳокиминикидан ҳам кўплигини биласизми?

— Биладан.

— Шу ишимда хотиржам ишлаб юргандим. Бир одам менга бу ишдан келадиган даромад ҳаром деди. Шунга аввал сиздан анигини сўраб билиб олайин, деб келдим. Бу ишим ҳақида нима дейсиз?

— Сенинг ишингда иккита ҳаром амал бор: қимор ва судхўрлик. Лекин, бир одам ҳаромдан пул топяпти. Билган хунари шу. Вақтики, бу ишнинг ҳаромлигини билгач, унга бошқа иш топиш фарз бўлади. Бошқа ҳалол ишни эса худди очдан ўлаётган киши егулик излагандек излайди. Лекин ўша ишни топилгунча ҳаром ишини ташламай туради. Токи шайтон сенга ҳалол ишни қидириб оч қолдинг, деган васвасани солмасин. Бу улуғларнинг гапидир.

— Ҳазрат, мен сиздан қандай иш топиш кераклигини сўрамадим. Бу ишим ҳалолми ҳаромми? Биргина сўзни сўради.

— Ишинг ҳаромдир.


— Буни ким ҳаром қилган? Сизми ё худуми?

— Аллоҳ ҳаром қилган.

— Аллоҳ ҳаром қилган бўлса, аввал ҳалолнинг эшигини очиб, сўнг ҳаром қилади. Ваъда бераманки, ўлгунимга қадар эски ишимга қайтмайман.

Менинг кўзимни очган эди бу воқеа. Бир одам “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Росулulloҳ” дедими, сурати қандайлигидан қатъи назар бизнинг эҳтиромимизга лойиқ экан. Менинг дастлабки гумоним қандай эдию, унинг анчамунча олимга хос бўлмаган таваккули қандай эди! Шу йигит ҳозир Американинг энг бой мусулмонларидан...”

Ёрқинжон қори маърузалари асосида АбдулАзиз тайёрлади.



ЕР ШАРИ АҲОЛИСИ СЕНИ 7 МИЛЛИАРДГА ЯҚИНЛАШДИ

Ер шари аҳолиси жорий йилнинг октябр ойида 7 миллиард кишига етиши кутилмоқда. Шундай қилиб сайёраимиз аҳолиси сўнгги 50 йил ичида икки баробардан ортиқроққа кўпайди. 2100 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 10 миллиарддан ошиб кетади. Бундай прогнозлар БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича аҳолини ўрганиш департаменти томонидан тайёрланган ҳисоботда келтирилган.

БМТ ҳозирча 7 миллиардинчи одамнинг туғилишини 31 октябр куни рўй беради, деб башорат қилмоқда ва ушбу кунга махсус тадбир уюштирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ер шари аҳолиси илк марта 1804 йилда бир миллиардга етган. Ундан кейин бу рақам икки баробарга ошгунча орадан 125 йил ўтган. Сўнгги икки юз йил ичида – 1800-2011 – йиллар оралиғида дунё аҳолиси етти баробарга кўпайган. 1960 йилдан бери эса, дунё аҳолиси икки мартага ошди.

Прогнозларга кўра, 2011 йилда бутун дунё бўйлаб 135 миллион киши туғилиб, 57 миллион киши вафот этади. Шундай қилиб, умумий ўсиш 78 миллион кишига тенг бўлади. Ер шари аҳолисининг ўсиши асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. БМТ маълумотларига кўра, аҳолиси энг кўп мамлакатлар ўнлигига ривожланган мамлакатлардан фақат АҚШ, Россия ва Япония киради холос.

Энг кўп аҳолига эга мамлакат – бу, шубҳасиз Хитой (1, 35 миллиард киши), иккинчи ўринда эса – Ҳиндистон (1, 24 миллиард киши).

БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга келиб дунё аҳолиси сони 8, 1-9, 3 миллиард кишига етади, 2100 йилга келиб эса 10, 1-10, 6 миллиард киши бўлади.

2050 йилга келиб Ҳиндистон аҳоли сони бўйича Хитойни қувиб ўтади.

БЕШИККА БЕЛАНМАГАН БОЛАЛАР: Кўҳна бешик янги даврда ўз ўрнини бой беряптими?

Интиқлик билан кутилган жажжи чақалоқ дунёга келди. Хонадон соҳиблари энг аввало янги меҳмон учун бешик ҳозирлайди. Асрлар давомида шаклланган анъана бу. Халқимиз бешик эскилик сарқитига чиқарилган суронли замонларда ҳам ундан воз кечмаган. Аммо шафқат билмас вақт кўп нарсани ўзгартиришга қодир экан. Технологиялар соат сайин улкан ўзгаришлар ясаётган бугунги давримизда бешикка тарих мулки сифатида қарайдиган оилалар ҳам йўқ эмас. Аслида-ку, одамлар орасида бешик ҳақида қарама-қарши фикрлар оралагани, тиббиёт мутахассислари ҳам бу борада турлича нуқтаи назарлар илгари сураётганига кўп бўлди. Наҳотки, кўҳна бешик ўз ўрнини замонавий воситаларга бўшатиб берса?...

“Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қўллаш миқдорида қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади”.

Абу Али ибн Сино

бўйин қийшиқлиги касали юзага келмаслиги учун галма-гал икки томондан эмизиш лозим.

- Бешик оҳиста тебратилади, тез ёки қаттиқ тебратиш мумкин эмас.

- Чақалоқни бир ёшгача ёки унда мустақил юриш қобилияти шакллангунча бешикка белаш тавсия этилади. Агар бола бешикда ётишни истаса ёки нимжон бўлса, бу муддатни бироз узайтириш мумкин.

- Бешик сумагини ишлатишдан олдин ёғга ботириб олиш ва бошқа гигиеник талабларга амал

ЭСДА ТУТИНГ!

- Боланинг чақалоқлик даврида (чилла даври) мушаклар тонуси юқори бўлганлиги сабабли бешикка ётқизиш учун унинг қўлоқлари мажбурий тўғриланади ва оқибатда бола толиқади ва физиологик ҳолати бузилади. Аслида, бола 2-3 ойдан сўнг бешикка ётқизиши керак.

- Бешикка боғлашда боланинг оёқ-қўллари ярим букилган ҳолатда бўлиши лозим. Агар танаси тўғри қилиб боғланса, қон айланиши бузилади ва ўсишда нуқсонлар келиб чиқади. Боланинг бош қисми баланд ёки паст бўлмаслигига эътибор қаратиш керак.

- Бешикда болани узоқ вақт сақлаш, терлаганда бешикдан ечиб олиш ва ҳўл кийимини алиштирмаслик шамоллашга олиб келади.

- Бешикда ётган бола эмизилганда, оғзидан сут қайтиб келиши ва қулоқ найи орқали ўрта қулоққа тушиб яллиғланиши рўй беради. Шунинг учун шифокорлар болани бешикка ётқизишдан олдин эмизишни тавсия этишади.

- Бешикда турган хонани мунтазам равишда шамоллатиб туриш керак, чунки янги туғилган чақалоқ кислородга катта одамларга нисбатан кўпроқ эҳтиёж сезади. Хона намлигини нормал сақлаш учун бирор идишда сув бўлиши зарур.

қаршисига қўйиб деди: “Эй чақалоқлик пайтини унутган ноинсоф! Мана бу бешикни кўряпсанми? Чақалоқ чоғингда шу бешикка миҳланиб, тунги уйқуларни мен ўзимга ҳаром этдим. Бешикда ётганинда юзингга битта пашша қўнса уни қувишга имконинг бўлмай йиғлар эдинг. Мен сени хира пашшалардан асраб, бешигингни тебратар эдим. Йиғидан тўхтамасанг, сени ечиб олиб, бағримга босардим. Куч-қувватимни сенинг камолинг учун сарф этдим. Мана энди катта бўлиб, куч-қувватга тўлдинг. Чақалоқлик, болалик, ёшлик пайтларингни унутиб қўйдинг...”

Биз бешикларни кўп кўраимиз. Аммо қачондир шу каби бешикда ётганимизни, онамиз тунлари бедор алла айтиб чиққанларини ўйлаймизми? Агар ўйламасак, эсламасак, унда ноинсоф фарзанд эканмиз. У ҳолда уйимиз тўрига бешик суратини чиздириб, остига «Унутма!» деган хитобни ёзиб қўйишимиз лозимдир?

СОВУҚДАН ҲИМОЯ БОРАСИДА УНГА ЕТАДИГАНИ ЙЎҚ!

Мунаввара Ёқуббекова, “Алла уйи” маданий-маърифий маркази раҳбари, филология фанлари доктори:

– Ота-боболаримизнинг буюк кашфиёти бўлмиш бешикда серқувват микроклим мавжуд бўлиб, у гўдакнинг ҳар томонлама соғлом ўсишини таъминлайди. “Бешик боласи – бек боласи” деган мақолимиз ҳам бежиз айтилмаган, ахир. Бешикнинг тузилишини кўриб қойил қоласиз. Бутун дунёда энг мақбул қурилма деб тан олинган гумбазсимон қубба шакли унинг шакли учун асос қилиб олинган. Бешик ичидаги кенг муҳит болани белаш ва ечишга қулайликни ҳамда баҳаволикни таъминлайди. Чақалоқни ҳар хил ҳашаротлардан, зах ва совуқдан ҳимоя қилишда унга етадигани йўқ. Ёзи иссиқ, қиши совуқ кечадиган Марказий Осиё шароитида бешикни бола парваришида аҳамияти катта бўлган.

БЕШИКДА УЗЛУКСИЗ ЁТҚИЗИШ МУМКИН ЭМАС

Ноила Толипова, Тошкент тиббиёт академияси болалар касалликлари кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди:

– Етакчи шифокорларнинг фикри бўйича бешик тўғри ишлатилганда унинг салбий таъсири йўқ. Аммо бешикдан нотўғри фойдаланиш оқибатида бола соғлигига хавф солувчи ҳолатлар юзага келади. Боланинг узлуксиз бешикда етиши зарарли. Негаки, узоқ вақт бешикда ётган боланинг терисига ёруғлик тушиши камади, бу эса Д витамининг синтез бўлишига тўсқинлик қилади ва рахит касаллигини келтириб чиқаради. Рахит касаллигида суякнинг юмшоқлашиб кетиши, унинг деформацияси, масалан, қийшиқ ўсиши кузатилади.

Бош миянинг шикастланиши касалига чалинган, ўқига ўралиб ёки чала туғилган, туғма касалликлар билан дунёга келган гўдакларни ҳам бешикка ётқизиш тавсия этилмайди.

Бешикни меъёрида ва тўғри ишлатиш керак. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилишни тавсия қилган бўлардим:

- Бешикни қаттиқ ерга эмас, юмшоқ кўрпача устига қўйиб тебратиш керак.

- Бола бешикда фақат ухлайдиган пайтда ётиши керак, уйғоқ маҳалда чақалоқни қўлга олиб, орқаларини уқалаб ўйнатиш лозим. Бешикда кам ҳаракатчанлик бола ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг олдини олиш учун чақалоқ иложи борича, айниқса, кундуз кунлари бешикда кам ётқизиши ва кўпроқ ҳаракатда бўлиши айна мудао.

- Бешикни офтоб нури ва ёруғлик тушадиган жойга қўйиш керак.

- Гўдакни бешикда ётган ҳолда эмизиш мумкин эмас, агар бунга тўғри келиб қолса, бирламчи



МАЪЛУМОТ

Бешик – чақалоқни белаб ва тебратиш ухлатиш учун мўлжалланган йўрға оёқли махсус мослама. Узунлиги 1-1,05 м, баландлиги 50 см-60 см.

Говрапўш – бешик ёпинчиғи, уч хил мавсум учун мослашган бўлади: духоба (қиш), ипакли ёки сурп (куз, баҳор) ва дока (ёз).

Қовуз – тарик, шולי, сули ёки буғдой пўстлогидан тайёрланган махсус кўрпача.

қ и л и ш
керак. Акс ҳолда,
тери ва жинсий аъзолар касалли-
клари юзага келиши ҳеч гап эмас.

- Бешикни сунъий матодан тикилган қалин парда билан ёпиш ман этилади. Бу боланинг нафас олишига тўсқинлик қилади. Бешик устига ёпиладиган мато табиий бўлиши лозим. Пардани вақти-вақти билан очиб шамоллатиб туриш мақсадга мувофиқ.

- Бешикни зинҳор иситиш ускуналари олдида қўйманг. Бешик тагига солинган кўрпача юпка ва пахтадан бўлиши керак.

- Бешик боғларини қаттиқ боғлаш мумкин эмас. Чақалоқни елка, қорин ва оёқ қисмидан қаттиқ боғлаш ҳам қон айланишини бузади, суякларнинг қийшиқ ўсишига сабаб бўлади. Бола бешикда ҳаракатлана олмаслиги натижасида мушаклари яхши ривожланмай қолиши ҳамда организмда модда алмашинуви бузилиши мумкин.

ГЎДАКЛИК ЧОҒИНИ УНУТГАН ОДАМ

Тоҳир Малик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Бешик биз учун тарбиявий аҳамиятга эга. Бир йигит она қадрига етмас, она кўз ёшлари унга таъсир этмас экан. Бир куни она бешикни олиб, ўғли

Тўғри, бугунги кунда бешик кўп хонадонларда ўз ўрнини жажжи каравотчалар, шинам аравачаларга бўшатиб беряпти. Тувак ва сумак ўрнига памперслар – бир марталик тагликлар боланинг оромига посбонлик қияпти. Аммо, менимча, кўпасрлик тарих синовидан ўтган бешик барибир ўз аҳамиятини йўқотмайди.

МИХСИЗ ЯСАЛГАН КОШОНА

Адҳамжон Исоқов, бешикчи уста:

– Бешикчилик неча асрлардан бери оилавий хунар бўлиб авлодларимизга ўтиб келяпти. Касбимиз сири – ёғочга яхши ишлов беришда. Бешиклар курт тушмайдиган тут дарахтидан, баъзида ўрик, ёнғоқ дарахтидан, эгмаси ва сумаги эса кўпинча юмшоқроқ тол дарахтидан ясалади. Усталар бешик ясаш учун дарахтни ихлос ва яхши ният билан излайди. Ўтмишда яшаган моҳир усталар умуман миҳдан фойдаланмаган. Бешикка безак беришда бўёқларнинг табиийлигига эътибор бериш керак. Ана шунда ҳиди чиқмайди. Аёл киши вақти бемаҳал боласи билан бешикни кўтаришига тўғри келади. Шуларни ўйлаб, бешик ихчам ва енгил бўлгани

БЕШИК ҚАНЧАЛИК ҚАДИМИЙ?

Бешик ҳақида XI асрда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида эслаб ўтилган. XV асрга хос миниатюраларда ҳам бешик тасвирини кўриш мумкин.

маъқул. Менимча, улўғ алломалар тарбия топган бешик қадр-қимматини асло бой бермайди.

БЕШИКНИНГ ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ БОР?

1. Усти ёпиқ бўлгани учун чақалоқ ухлаётганда турли хил ҳашаротлар безовта қилмайди.
2. Бешикда ётганда боланинг таги куруқ, тоза туради, шунинг учун ҳам бола хотиржам ухлайди.
3. Чақалоқ кўлга ўрганиб қолмайди. Бола кўп кўтариб юрилса, кейинчалик ҳам мана шундай эътибор талаб қилади.
4. Бешикнинг рангли безакларига қараб тинчланади, ранг ажратишни ўрганади.
5. Бешикнинг бир маромда тебранишига она алласининг ҳамоҳанглиги болага яхши таъсир этади, унинг осуда ухлашини, руҳан ва жисмонан соғлом ривожланишини таъминлайди.
6. Бешикда ётган боланинг умуртқа суякларини текис ўсади.
7. Чақалоқ ётганда юзтубан ўгирилиб қолмайди. Кўли билан юз-кўзини тилиб, жароҳатламайди, бармоғини оғзига солиб сўрмайди.
8. Бешик ҳарорат мўътадиллигини сақлайди, чақалоқнинг исиб кетишига йўл қўймайди.
9. Памперсга кетадиган харажат тежалади.

БЕШИК КИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ?

Нуруллоҳ Содиқов, болалар жарроҳи:

– Чаноқ-сон бўғими дисплазияси (нотўғри ўсиш) билан туғилган гўдакларни бешикка беламаслик керак. Сабаби, уларнинг оёқлари бириктирилмаган ҳолда, очиқ туришини тавсия этишади. Болада бундай туғма касаллик бор-йўқлигини билиш учун ортопед кўригидан ўтказиш лозим. Туғма юрак пороги бўлган болаларда баъзан нафас олиши қийинлашиши кузатилади. Шунинг учун уларга ҳам бешик тавсия этилмайди. Кўпинча катта вазндаги чақалоқлар туғилиш жараёнида бош суяги деформацияланади. Натижада, бош суягида қон босими баланд бўлади. Безовталаниш ва инжиқлик шу касаллик билан оғринган болаларга хос. Улар бешикка беланса, жуда оҳиста тебратиш лозим.

Абдул СОБИР тайёрлади.

Бир форумда “Аросат” фильми ҳақида очилган мавзуга тасодифан кўзим тушиб қолди. Фильмни мақташган экан. Айниқса, уни Ислом бўлимида ёзганлари диққатимни тортди. Наҳотки, Ўзбекфильм диний-исломий руҳда фильм яратган бўлса? Форумга қўйилган манзил орқали кириб, ушбу фильмни бошидан охиригача томоша қилдим.

Ўзбек тилида фильм кўрмаганимга кўп бўлганди. “Маҳаллада дув-дув гап”, “Суюнчи”, “Абдуллажон”, “Тўйлар муборак”, “Келинлар кўзғолони” каби ўзбек фильмининг олтин намуналарини ҳануз севиб томоша қиламан. Аммо кейинги йилларда юртимиз кинотеатрлари бозорбоп, ўткинчи севги-муҳаббат ҳақидаги маъноси ва сифати саёз фильмларга тўлиб кетди. Кўриб одамнинг энсаси қотади, холос. Наҳотки,

Кинотеатр

ҳалок бўлади...

Фильм қизнинг ҳалокатидан сўнг рўй берадиган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Қиз муртад бўлгани учун, ҳеч ким унга жаноза ўқишни истамайди. Қабристонларда ҳам унинг жасадини қабул қилишдан бош тортишади. Ниҳоят, марҳуманинг оиласи тоғли бир пастқам жойга ярим тунда бориб, уни кўмиб қайтади. Оила аъзолари ортга қайтишлари билан янги қабр бошида итлар галаси пайдо бўлади ва жасадни ер остидан тортиб чиқаришади...

Фильм камчиликлардан холи эмас. Айрим ўринларда далиллаш санъати етишмаган. Масалан, қизнинг ўзбек аёллари олдида “На-

АРОСАТ: “ЎЗБЕКФИЛЬМ” ҲАЛИ ЎЛМАГАН!

Ўзбекистонда фильм санъати шунчалик саёзлашиб кетди? Шундай дейману, пойтахт Тошкентдаги кинотеатрлар олди ушбу саёз фильмларни кўриш учун келган ёш-яланг билан гавжум экани мени яна ҳайратлантиради. Савияси паст фильмларнинг дунё юзини кўриши шунга мос аудитория талабимиз ёки бугунги авлод савиясини мана шундай “санъат” асарлари “тарбиялаяпти”ми? Балки кинотеатрга боришдан мақсад кинофильм томоша қилиш эмас, “замонавий” ёшлар жамоасидан ажралиб қолмаслик учун бўлган бир уринишдир? Бу саволларнинг ҳар бирини бир илмий ишнинг мавзуси деса ҳам бўлади.

Режиссёр Мансур Абдухолик томонидан суратга олинган “Аросат” фильми менга ёқди. Бошида таъкидланишича, фильм бўлган воқеа асосида ишланган экан. У қанақадир “Нажоткор” (диний гуруҳ, лекин қайси динга мансублиги ҳақида фильмда ҳеч қандай маълумот йўқ. Исломий эмаслиги аниқ, христианликка оидлигини тахмин қилдим.) оқимига қўшилиб қолган ва гуруҳнинг фаол тарғиботчисига айланган бир ўзбек аёлининг фожиавий тақдири ҳақида. Ушбу аёл эри билан биргаликда “Нажоткор” гуруҳи аъзоси. У ўзбек хотин-қизлари орасида гуруҳнинг фаол тарғиботчисига айланган. Кунларнинг бирида у кўчада автоҳалокатга учрайди ва

жоткор” гуруҳини мақтаб, уларнинг ҳам шу гуруҳга қўшилишга даъват қилиши ишонарсиз чиққан. Яъни, илк маротаба учрашувда ҳеч бир гуруҳ тўғридан-тўғри бизга қўшилиш, шунда нажот топасиз, деган қуруқ гап билан бошламайди. Одатда, бундай гуруҳларнинг омма билан ишлаш учун махсус дастурлари бўлади ва оми халқни ишонтириш учун пухта ишлаб чиқилган нутқларни, маърузаларни ишга солишади. Фильмда эса қиз қуруқ ваъз ўқиган, холос ва бу, табиийки, йиғиндагиларнинг ғала-ғовурига, эътирозига сабаб бўлган.

Фильм давомида аёлнинг эри ўтмиш хотираларини эсга олади. Хотиннинг автоҳалокатга учраганини ҳам ана шундай хотира эпизодларидан бирида биламиз. У бошида ёдга олинади. Назаримда, қизнинг автоҳалокатга учраши ҳодисаси фильмнинг охирида кўрсатилганда, сюжет янада қизиқарлироқ бўларди.

Умуман олганда, фильм кўришга, ибратланишга арзийдиган асар. Демак, “Ўзбекфильм” ҳали тирик.

Фильмни сайтимизда тўлиқ томоша қилишингиз мумкин. Фильм жойлашган манзил: www.vatandosh.uz/arosat.

Беҳзод МАМАДИЕВ

“Adolat.net” ўзбекистонликларга бепул юридик хизмат кўрсатиш жавоб берилган. 2010 йилда фаолият бошлаган. Сайт ходимлари “Қонун устуворлиги йўлида” номи остида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишда ёрдамчи бўлишни мақсад қилганликларини ёзишган.

“Мақсадимиз - дейилади сайт ҳақида берилган маълумотда, - Ўзбекистонда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшиш, ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож инсонларга

бепул юридик хизмат кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари жамланмасини яратишдан иборат”.

Сайтнинг “Сўраган эдингиз” бўлимидан сиз ўзингизни

жавоб берилган.

Бош саҳифадаги “Савол йўллаш” бўлими орқали сиз ҳам сайтга ўз саволларингизни юборишингиз мумкин. Малакали ҳуқуқшунослар ушбу саволларга жавоб бериб, уларни сайтга қўяди.

Сайтнинг “Кутубхона”

бўлимидан ҳуқуқий китоблар, илмий иш ва мақолаларни ҳам топиб ўқишингиз мумкин.

Сайтга Ўзбекистон қонунчилигига доир хабар ва янгиликлар ҳам қўйиб борилади.

WWW.ADOLAT.NET

Фойдали сайт

“Facebook” ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Сукерберг 22 сентябр куни бўлиб ўтган “F8 Developers Conference 2011” конференциясида “Facebook”да бўладиган янги ўзгаришлар ҳақида гапирди.

Биринчи ва энг глобал янгилик – бу, бизга “Девор” (“Wall”) номи билан таниш бўлган майдонга боғлиқ. Марк Сукерберг фойдаланувчиларнинг профили интерфэйси учун “Timeline” деб номланган янги кўринишни намойиш қилди. Ушбу гоа қобилиятли дизайнер Николас Фелтондан чиққан бўлиб, у оддий инфографикани замонавий санъат даражасигача кўтарган.

2006 йилда Фелтон “Эсдаликлар” деб номланган лойиҳа устида иш бошлаган. У инфографикалар ёрдамида ўзининг шахсий ҳаётини тасвирлаган – у қайси шаҳарларда бўлган, қанча вақт у ерда бўлган, қандай мусиқа тинглаган, нима тановул қилган ва нимларни ўқиган. Натиха бир вақтнинг ўзида ҳам чиройли, ҳам маълумотларга бой бўлди. Николас лойиҳа устида ишлашда давом этди ҳамда ушбу технологияни такомиллаштириб борди. 2010 йилда уни “Facebook” компаниясига ишга таклиф қилишди. Айнан унинг гоаялари янгича интерфэйс – “Timeline”нинг яратилишига асос бўлди.

О м м а - вий ахборот воситаларида ушбу ном аллақачон “вақт шкаласи”, “хроника” ва “ҳаёт йўллари” каби номлар билан танилиб бўлди. Бундай олиб қараганда, бу фойдаланувчининг ижтимоий тармоқда ўтказган бутун виртуал ҳаётининг тарихидир. Унда фойдаланувчининг барча қилган ишлари (постлар, расмлар, видео-роликлар ва бошқалар) кўриниб туради. Ташқи томондан олиб қараганда эса, у фойдаланувчининг туғилганидан бошлаб ижтимоий тармоқда йиллар бўйича амалга оширган ишларининг кетма-кет жойлашувидир. Ўнг томонда жойлашган меню орқали осонгина “вақт шкаласи”ни турли йилларга буриш мумкин. Бунда, бирорта йилни қандайдир воқеа ёки расм билан тўлдириш ёки аввал қолдирилган ёзувларни таҳрирлаш имконияти ҳам мавжуд. “Тимелине”ни компьютердан ҳам, мобил телефондан ҳам бошқариш мумкин.

facebook

ДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР



“Facebook” асосчиси Марк Сукерберг

ЖОРЖ СОРОС: АҚШДА АЛЛАҚАЧОН РЕЦЕССИЯ БОШЛАНГАН

Машхур америкалик миллиардер ва инвестор Жорж Сорос сўзларига кўра, АҚШ иқтисодиёти ҳозирда рецессиянинг иккинчи тўлқини даврини бошидан ўтказмоқда ва бунга Барак Обаманинг янги рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсатига қарши чиққан республикачилар айбдор.

АҚШнинг нуфузли CNBS телеканали билан бўлган суҳбат чоғида 81 яшар молиячи Жорж Сорос шундай деди: “Ўйлайманки, рецессия АҚШ иқтисодиётига аллақачон кириб келган”.

Яқинда АҚШ президенти Барак Обама мамлакатда янги иш ўринларини яратиш мақсадида янгича солиқ сиёсатини ўртага ташлади. Унга кўра, бир йиллик даромади 1 миллион доллардан ортиқ бўлган “бадавлат” кишилар давлат бюджетига кўпроқ солиқ тўлаши лозим. Бу, албатта, кўпчилик бизнесменларга ёқиб тушгани йўқ.

Жорж Сорос Европада ҳозир юз бераётган қарз инқирозини 2008 йилги “Lehman Brothers” банкнинг банкрот бўлиши билан қиёслади.

“Бу ҳолат йилги “Lehman Brothers” банки билан содир бўлган воқеадан ҳам хавфлироқдир. Ўйлашимча, Европа мамлакатлари ҳукуматлари молиявий барқарорликни сақлаб қолиш учун бор имкониятларини ишга солади”, – дея таъкидлади у.

Сороснинг фикрига кўра, тез кунларда еврозонанинг баъзи мамлакатлари дефолт эълон қилади ва Европа монетар тизимини тарк этади. Агарда бунгача етиб келадиган бўлса, жаҳон иқтисодиётини йирик ҳалокат кутмоқда.

Эслатиб ўтаимиз, Форбес журнали Жорж Сороснинг бойлигини 22 миллиард доллар миқдорида баҳоламоқда ва у ҳозирда Американинг энг бадавлат кишилари рейтингига 7-ўринда турибди.

ДУНЁНИНГ ЭНГ “ЯШИЛ” БРЕНДЛАРИ

Дунёдаги энг “яшил” брендлар, яъни экологик жиҳатдан энг масъулиятли брендлар учлигига қуйидаги компаниялар кирди: “Toyota”, “3M” ва “Siemens”. Айнан ушбу савдо белгиларининг эгалари, “Интербренд” консалтинг агентлигининг фикрига кўра, бошқаларга қараганда кўпроқ табиат, атроф-муҳит ҳақида кўпроқ қайғуради. Рўйхатга бутун дунё бўйлаб жами 50 та компания кирган.

“Toyota” компанияси сўнгги йилларда гибрид технологиялар соҳасида етакчи позицияларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, 1997 йилда ишлаб чиқарилган “Toyota Prius” модели шу кунгача энг “экологик тоза” гибрид автомобиль саналиб келинмоқда. Ушбу автомобиль ўзининг экологик кўрсаткичлари ва ёқилгини тежаш борасидаги устунликлари сабаб кўпгина мамлакатларда оммалашишга улгурди.



Toyota Prius: “Экологиктоза” автомобиль



3M



SIEMENS

БИЛЛ ГЕЙТС ЯНА ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИ ДЕБ ТОПИЛДИ



“Microsoft” корпорациясининг асосчиси ҳамда ҳозирда унинг энг йирик акциядори саналган Билл Гейтс Американинг энг бадавлат кишилари рейтингига етакчиликни ҳеч кимга бермай турибди. Машхур Форбес журнали 2011 йил учун АҚШнинг энг бадавлат 400 кишиси номини эълон қилди.

Бугунги кунда бойлиги 59 миллиард доллар қийматида баҳоланаётган Билл Гейтс ушбу рейтингда кетма-кет 18 йил биринчиликни ўзида сақлаб турибди. Унинг бойлиги ўтган йилга қараганда 5 миллиард долларга ошган.

Рейтингнинг иккинчи поғонаси ҳам ўзгаришсиз қолмоқда. Ушбу ўринда ҳам бир неча йиллардан бери Уоррен Баффет мустақкам турибди. У таниқли инвестор ҳамда Билл Гейтс билан бир қанча хайрия лойиҳаларида иштирок этиб келмоқда. Бироқ, унинг бойлиги ўтган йилга қараганда 6 миллиард долларга камайди ҳамда 39 миллиард долларни ташкил қилди.

Рўйхатнинг учинчи поғонасини “Oracle” корпорациясининг асосчиларидан бири ва ҳозирги кундаги бош ижрочи директори Ларри Эллисон банд қилди. Унинг бойлиги 33 миллиард доллар қийматида баҳоланмоқда.

Ҳамза ФОЗИЛЖОНОВ тайёрлади.

АҚШДА ТАЛАБАЛАР Сони



КАМАЙМОҚДАМИ?

АҚШ президенти Барак Обама “Америка Иш қонуни” лойиҳасини Конгрессга тақдим этаркан, мамлакат тараққиёти учун таълим муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлади. Асосан, мамлакатдаги ишсизлик даражасини камайтириш мақсадида қабул қилинаётган янги қонун лойиҳасида мактабларни таъмирлаш ва бой берилган ўқитувчи иш ўринларини қайта тиклаш ҳам кўзда тутилган.

Иқтисодий инқироз бевосита таълим тизимига ҳам таъсир этаётгани амалда аллақачон кўзга ташланмоқда. Яқинда эълон қилинган халқаро тадқиқотда АҚШда университетни тамомлаётган талабалар сони камайиб бораётгани тилга олинган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан олиб борилган кузатув натижаларига кўра, 25 ёшдан 34 ёшгача бўлганлар орасида университет даражасига эга бўлишни қайд этиб борувчи халқаро рейтингда

АҚШ тўрт поғона пастга қулаган. АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида аввалги рўйхатда 12-ўринда бўлган бўлса, ҳозир 16-ўринга тушиб қолган.

Мутахассислар университет таълими бўйича АҚШ кўрсаткичларининг пасайиб бораётганини икки сабаб билан изоҳлашмоқда. Биринчидан, Осиё ва Европада университетга қатнаётган ёшлар сони кескин ошиб бораётган бўлса, иккинчидан, АҚШда олий таълим, асосан, тўрт йиллик коллежга қатнаш билан белгиланади. Бошқа давлатларда эса бир ёки икки йиллик профессионал касб таълими курслари сони ҳам ортиб бормоқда.

Аҳолиси орасида энг кўп бакалавр даражасига эга бўлиш бўйича АҚШ дунёда Норвегиядан сўнг иккинчи ўринда туради. Шунингдек, АҚШ олий ўқув юртлари халқаро талабаларни ўзига энг кўп жалб этувчи давлатлардан бири. Шунга қарамай, олий таълимни ривожлантиришни тарғиб этувчи “Лумина” жамғармаси раҳбари

Жеми Мерисотиснинг айтишича, олий таълим сифатини ошириш бўйича бошқа давлатлар фаол олдинга қараб бормоқда.

Олий таълим ҳақида эълон қилинган баёнотда айтилишича, АҚШ ёшларининг 41 фоизи университетларга қатнайди. Бу кўрсаткич билан АҚШ жаҳон рейтингининг 16-ўрнида. Рўйхатда етакчилик Жанубий Кореянинг қўлида. Бу ўлкада ёшларнинг 63 фоизи университет даражасига эга. Иккинчи ва учинчи ўринларни Канада ва Япония эгаллаган. Бу давлатларда ёшларнинг қарийб 56 фоизи камида бакалавр даражасига эга.

Европанинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, Россия, Исроил ва Белгия ҳам рўйхатда АҚШдан олдинда.

АҚШнинг ўтган галги рейтингдан 4 поғона пастга тушгани, айрим мутахассислар фикрига кўра, жиддий муаммо эмас.

“АҚШда аҳвол ёмонлашаётганини кўрсатувчи бирор далилимиз йўқ, – дейди Андреас Шлейхер, Парижда жойлашган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Кўрсаткичлар ва Таҳлил бўлими раҳбари. – Бу, шунчаки, бутун дунё бўйлаб динамизм юқориликдан ва кўплаб давлатлар шунга мос ҳаракат қилаётганидан далолат беради”.

70-йилларда АҚШ олий таълим бўйича халқаро рейтингда пешқадамлик қилган. 2009 йил президент Барак Обама 2020 йилгача ўз фуқароларига олий таълим бериш бўйича АҚШ дунёда яна пешқадамликни қўлга киритиши лозимлиги ҳақида гапирган эди. Аммо бугунги аҳвол ва рақамлар ушбу мақсаднинг қўлга киритилишини

шубҳа остига қўймоқда.

1998 ва 2009 йиллар орасида АҚШда университетга қатновчилар сони беш фоиз ўсган бўлса, айна шу вақт ичида бундай ўсиш Японияда 11 фоизни, Канадада эса 10 фоизни ташкил этган.

АҚШ даражасидан анча ортда бўлишига қарамай, Хитой ва Ҳиндистонда ҳам олий таълим олувчилар сони кескин ошиб бормоқда.

АҚШнинг барча штатларида университет битирувчилари сонини 2020 йилгача 60 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бунга, асосан, ёшларни икки йиллик жамоат коллежларига (Community colleges) жалб этиш орқали эришиш кўзда тутилмоқда. Икки йиллик жамоат коллежларини яхшилаш мақсадида Обама 12 млрд. доллар ажратиш ҳақида қонун лойиҳасини таклиф этган эди. Конгресс фақат 2 млрд. доллар ажратишга қарор қилди.

Жамоат коллежлари АҚШдаги барча университет талабаларининг қарийб бешдан икки қисмини қамраб олса-да, ушбу коллежларга қатновчиларнинг битириш кўрсаткичи 21 фоизни ташкил этади, холос.

Ушбу муаммоларга қарамай, АҚШ университетлари ҳануз жаҳоннинг энг зўр олий таълим даргоҳлари ҳисобланади. 2010 йилги жаҳон университетлари рейтингда энг юқори беш ўриннинг барчасини АҚШ университетлари эгаллаган. Жаҳондаги энг кучли 25 университетнинг 18 таси ҳам АҚШда жойлашган.

Мутахассислар фикрига кўра, иқтисодиётдаги ва жаҳон таълимидаги тез ўзгариб бораётган шароитларга мослашиш учун АҚШ асосий эътиборни фақат кўп йиллик бакалавр даражасига эмас, балки оз муддатли, профессионал таълим курсларига ҳам қаратмоғи лозим. Зеро, даромаднинг таълим даражасига боғлиқлиги бўйича мавжуд эскича одат ва қарашлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Бехзод МАМАДИЕВ

ҚАДДОФИЙНИНГ ЎЛИМИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

2011 йил Яқин Шарқда “Араб баҳори” деб ном олган инқилоблар йили бўлди. Январ ойида Тунисда ҳукуматга қарши бошланган намоишлар тез орада Миср, Ливия, Сурия, Яман ва бошқа араб давлатларида акс-садо берди. Улар орасида энг талофатлиси Ливияда кузатилди.

Феврал ойида Ливиянинг Бинғози шаҳрида ҳукуматга қарши бошланган норозилик намоишлари кўп ўтмай бутун давлатни тўлақонли фуқаролар урушига фарқ этди.

20 октябрь куни, “Ўлсам ҳам Ливияда ўламан, лекин таслим бўлмайман” деб айтган полковник Муаммар Қаддофийнинг канализация қувурида яшириниб ётганда тирик қўлга олиниб, сўнгра ўлдирилгани ҳақида хабар

чиқди. Қаддофийнинг Ливияда 1969 йилда бошланган қарийб 42 йиллик ҳукмронлиги шу тариқа барҳам топди.

Дастлабки текширувларга кўра, Қаддофийнинг боши ва қорнида ўқ излари бор. Уни ким отиб ўлдиргани номаълум. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва “Амнести Интернейшнл” ва “Ҳюман Райтс Уотч” каби халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари воқеани изчил ва тўлиқ тергов қилишга чақирмоқда. Бу ташкилотларга кўра, қўлга олинган пайтда Қаддофий тирик бўлган ва кейинроқ исёнчилар томонидан ўлдирилган. Ливиядаги муваққат ҳукумат Қаддофий

жасадининг мустақил қўмита томонидан ўрганиб чиқилиши ҳақидаги чақириқларга рад жавобини берди ва 25 октябрь куни махфий бир ерда дафн



этилди. Қаддофийнинг ўлими дунё бўйлаб турлича қаршиланди. Унинг ўлимини табассум би-

лан қарши олган АҚШ Давлат Котиби Хиллари Клинтон Қаддофийнинг ўлими Ливия халқи учун янги даврнинг бошланиши эканини айтган бўлса, Венесуэла Президенти Уго Чавес унинг ўлимига афсусланиб, Қаддофийни шаҳид деб атади. Ливиядаги Миллий Ўтиш Даври Кенгашининг (МЎДК) юқори мартабали мурози Муҳаммад Сайёх Қаддофийнинг қ а с д д а н ўлдирилмаганлигини айтиб, агар шундай бўлган тақдирда ҳам Қаддофий бунга арзирди, деб қистириб қўйди. Ўзбекистонлик тарихчи олим Гога Ҳидоят Қаддофийнинг ўлдирилишини ваҳшийлик деб

баҳолади.

Булар дунё бўйлаб сиёсатчи ва мутахассисларнинг воқеага билдирган муносабатлари. Қаддофийнинг ўлдирилишини халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра қандай баҳолаш мумкин? Бу ҳақда халқаро ҳуқуқ нима дейди? Мақоламизда мавзунинг ана шу қиррасига диққат қаратамиз.

НАТО ҲАРБИЙ АМАЛИЁТЛАРИ ВА БМТ НИЗОМИ

Жорий йилнинг февраль ойига бориб ҳукумат қуроли кучлари ва исёнчилар ўртасида тўлақонли қуроли можаро авж олди. Ҳукумат кучлари ҳужумлари натижасида қурбонлар сони ошди. Натижада 17 мартда БМТ Хавф-

(Давоми кейинги бетда.)

(Боши аввалги бетда.)

сизлик Кенгаши 1973-сонли резолюция қабул қилди. Резолюцияга кўра, НАТО Ливияда тинч аҳолини ва улар яшайдиган худудни ҳимоя қилиши учун “барча керакли чораларни” (“all necessary measures”) қўллаши мумкин. Резолюциядаги бу ибора ўз ичига ҳарбий куч ишлатишни ҳам қамраб олади, деб тушунилди. НАТОга бундай кенг ваколатнинг берилишига асосий сабаблардан бири Қаддофийнинг Бинғозидидаги исёнчи кучларни уйма-уй юриб қириб ташлаши ҳақида берган баёноти бўлди.

Авалло, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳарбий куч ишлатишга рухсат берувчи резолюция қабул қилишга ваколат борми, деган саволга тўхталиб ўтсак.

БМТ Низомининг 39-моддасига кўра, Хавфсизлик Кенгаши тинчликка бўлган таҳдидни ёки босқинчилик ҳаракати мавжудлигини аниқлайди, тавсиялар беради ва зарур бўлган чораларни кўради. 41 ва 42-моддаларда Хавфсизлик Кенгаши айнан

исёнчилардан қочаётган чоғи НАТО ҳарбий самолётларидан ўққа тутилгани эътирозли ҳолатдир. Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси НАТОга фақат тинч аҳолини ва улар яшайдиган аҳоли пунктларини ҳимоя қилишга рухсат берганди. Шундай экан, деярли бутун Ливия исёнчилар кўлига ўтган бир пайтда, Қаддофийнинг исёнчилардан қочаётган машинасини ўққа тутиш қанчалик қонуний? Бунинг тинч аҳолини ҳимоя қилишга алоқаси борми? НАТО ҳаво кучлари Қаддофийни фақатгина фаол қуролли тўқнашувлар давомида ўққа тутишга ҳақли эди. Далилларга кўра эса, Қаддофий асирга тушишидан олдин ўз яқинлари билан исёнчилардан қочаётганда ўққа тутилган.

НАТОнинг шу каби ваколатдан ташқари хатти-ҳаракатлари келажакда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можаро ҳолатларида тинч аҳолини ҳимоя қилиш фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Сабаби, Хавфсизлик Кенгаши аъзолари энди тинч аҳолини ҳимоя

томонларнинг душман томонга зиён етказиш борасидаги воситаларни ва усулларни танлаш ҳуқуқи чеклангандир. Қуролли можаро даврида ҳарбий ҳаракатлар фақат душманнинг қуролли кучларига қарши олиб борилиши керак. Бевоқифа ҳарбий тўқнашувларда фақат комбатантлар иштирок этишлари мумкин. Комбатантлар қуролли кучлар таркибига кирувчи ва шахсан уруш ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Улар қўлга қурол олиб душманга қарши уруш ҳаракатлари олиб борадилар. Қуролли можаро давомида тарафлар ўз душманларини кучсизлантириш учун очиқ ҳарбий ҳаракатга киришга ва ҳаттоки душман аскарларини ўлдиришга ҳақлидирлар.

Қуролли можаро давомида қўлга тушган ҳарбий асирларга инсоний муносабатда бўлиш талаб этилади. Ҳарбий асирлар ярадор бўлганларида уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоғи лозим. Уларнинг ҳаётига қасд қилиш ва шахсий дахлсизлигини бу-

маълумот йўқ. Тахминларга кўра, ҳарбий ҳаракатлар натижасида 20, 000 киши ҳалок бўлган.

Қуролли можаро давомида тарафлар ўз душманларини кучсизлантириш учун очиқ ҳарбий ҳаракатга киришга ва ҳаттоки душман аскарларини ўлдиришга ҳақлидирлар. Қаддофий Ливия ҳарбий кучларининг Бош кўмондони сифатида фаол қуролли тўқнашув асносида исёнчи аскарлар томонидан нишонга олинishi ва ҳаттоки ўлдирилиши халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузмайди. Аммо юқорида таъкидлангани каби, халқаро ҳуқуқ душман аскарлари қўлга тушгандан кейин ёки таслим бўлгандан кейин уларга ҳар қандай жисмоний зарар етказишни қатъиян тақиқлайди.

Турли ахборот воситаларида кўрсатилган видеода жангчилар Қаддофийни кўчада судраётгани, уриб-тепишгангани акс этган. Унинг ҳали ҳаётлигини ва фақатгина бетининг чап томонидан қон оқаётганини кўрамиз.

жинояти деб ҳам баҳоланиши мумкин. Қуролли можаро давомида содир этилган жиноят уруш жинояти деб баҳоланиши учун, жиноят қуролли можаро мобайнида содир этилган бўлиб, ўз ичига таслим бўлган қуролсиз комбатантни ўлдириш ёки жароҳат етказишни олган бўлиши керак. Бундай ҳолда айбдор шахслар Халқаро жиноят суди томонидан жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо Халқаро жиноят суди барча уруш жиноятларини кўравермайди. У юрисдикцияга эга бўлиши учун, уруш жинояти режалаштирилган ва кенг тарқалган тусга эга бўлмоғи лозим. Қаддофийнинг ўлимини Халқаро жиноят суди уруш жинояти сифатида кўриб чиқиши учун исёнчилар Қаддофийдан бошқа кишиларни ҳам таслим ва қуролсиз бўлганларига қарамасдан қатл этганликлари ҳақида етарли маълумот бўлиши керак. Ҳозирча фақатгина исёнчиларнинг баъзи шахсларни ҳукумат тарафдорлигида гумон қилиб дўппослаганлари, уларнинг

ҚАДДОФИЙНИНГ ЎЛИМИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

қандай чоралар кўриши мумкинлиги ҳақида гап кетади. 41-моддага кўра, Хавфсизлик Кенгаши ўз қарорларини амалга ошириш учун дипломатик ва иқтисодий муносабатларни, шу билан бирга, темир йўл, денгиз, ҳаво ва бошқа алоқа воситаларини тўла ёки қисман тўхтатиши мумкин. БМТ Низомининг 42-моддаси Хавфсизлик Кенгашига қуролли кучдан фойдаланиш ваколатини беради. Ушбу моддага кўра, 41-моддада кўзда тутилган чоралар самара бермаган тақдирда, Хавфсизлик Кенгаши ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги қуролли кучлар ёрдамида халқаро тинчликни сақлаш учун зарур чоралар кўриши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши НАТОга айнан шу модда асосида Ливияда қуролли куч ишлатишга рухсат берди.

Шундай қилиб, НАТОнинг Ливиядаги ҳарбий кампанияси БМТ ваколати остида бошланди. НАТО ҳарбий кучлари тинч аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида фаол қуролли тўқнашувлар кетаётган жойлардаги Ливия ҳукумати аскарларини ҳаводан бомбардимон қилишга киришди. Бу ўз ўрнида исёнчиларга аста-секин устунлик бера бошлади. Натижада Ливия шаҳарлари бирин-кетин исёнчилар кўлига ўта бошлади. Шу ўринда Қаддофий ва яқинларининг

қилишга қаратилган резолюция ҳукумат бошлигини ўлдириш ва умуман ҳукумат тўнтаришини амалга ошириш учун қўлланиши мумкинлигидан ҳақли равишда гумон қила бошлайдилар. Хавфсизлик Кенгаши ҳалигача Сурияда тинч аҳолини ҳимоя қилиш борасида хануз бирор жиддий чора кўрмаганинг сабабларидан бири ҳам шудир.

ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ҲУҚУҚИ

Халқаро ҳуқуқнинг бир-бирига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи тармоғи “Қуролли можаролар ҳуқуқи” ёки “Халқаро гуманитар ҳуқуқ” деб аталади. Қуролли можаролар ҳуқуқи ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг баъзи усуллари ва воситаларини чеклайди ва томонлар зиммасига ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаётган ёки иштирок этишни тўхтатган шахсларни аяш мажбуриятини юклайди. Унинг асосий мақсади уруш талофатларини чеклаш ва уруш қурбонларини ҳимоялашдир.

1907-йилги IV Гаага Конвенцияси “Урушаётганлар ўз душманларига зиён етказишнинг барча воситаларидан фойдалана олиш ҳуқуқига эга эмаслар” деб номланувчи махсус нормага эга. Урушаётган

зиш, хусусан, ўлдириш, тан жароҳати етказиш, қийноққа солиш, улар устида илмий ёки тиббий тажриба ўтказиш, суд иштирокисиз ҳукм чиқариш ва жазони ижро этиш қатъиян ман этилади.

Ливия Миллий ўтиш даври кенгаши 24 март куни берган баёнотида қуролли можаролар ҳуқуқига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Баёнотда барча асир ва таслим бўлганларни овқат ва сув билан таъминлаш, тиббий ёрдам бериш ва инсоний муомалада бўлиш қайд этилиши билан бирга, ушбу қоидаларни бузганлар жазоланиши ҳақида ҳам айтилади.

19 майда Миллий ўтиш даври кенгаши қуролли можаролар пайтида хурмат қилиниши керак бўлган қоидалар белгилаб ўтилган йўриқнома қабул қилди. Унга кўра, асирга тушган ва таслим бўлган ҳукумат кучларидан қасос олиш қатъий тақиқланди.

ЛИВИЯДАГИ ФУҚАРИЛИК УРУШИ ВА ҚАДДОФИЙНИНГ ЎЛИМИ

Жорий йилнинг февраль ойига бориб, Ливияда ҳукумат қуролли кучлари ва исёнчилар ўртасида тўлақонли қуролли можаро авж олди. Ҳукумат кучлари ҳужумлари натижасида қурбонлар сони табора орта бошлади. Қурбонларнинг умумий сони ҳақида ҳали ҳам аниқ

Қаддофий вафот этганидан кейинги тасвирларда унинг пешонасида ўқ изини кўриш мумкин. Айнан шу ўқ изи БМТ ва бошқа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг Қаддофий асирга тушгандан кейин ўлдирилган деб иддао қилишларига сабаб бўлди. Ливиядаги муваққат ҳукумат Қаддофийнинг ўлимини тергов қилишга ваъда берган бўлса-да, унинг жасадини мустақил комиссия ўрганишига қарши чиқди.

Муваққат ҳукумат амалга оширган тергов хулосалари эълон қилинмагунча Қаддофий қандай ўлганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Аммо мавжуд далилларга асосланган ҳолда, исёнчилар томонидан Қаддофийнинг асирга тушгандан кейинги ҳолатида қуролли можаролар ҳуқуқининг бир неча асосий меъёрлари бузилганини кўриш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, қуролли можаролар ҳуқуқига кўра, асирга тушган душман аскарларига тан жароҳати етказиш ва қийноққа солиш тақиқланади. Шу билан бирга, асирнинг ҳаётига қасд қилиш, унга суд иштирокисиз ҳукм чиқариб, жазони ижро этиш ҳам қатъиян ман этилади. Қаддофий яраланган бўлишига қарамай, исёнчилар томонидан тепиб-урилганини кўриш мумкин.

Қаддофийнинг ўлими уруш

мол-мулкларини талон-тарож қилганлари, уйлари ўтга тутилгани ҳақида хабарлар бор. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси, шубҳасиз, қуролли можаролар ҳуқуқига зиддир. Агар исёнчилар ҳукумат тарафдори деб шубҳа қилинган шахсларни фаол қуролли тўқнашув рўй бермаётганда ўлдирилганликларига ишора қилувчи далиллар пайдо бўлса, Халқаро жиноят суди прокурори баъзи исёнчиларни уруш жиноятларини содир этганликда айблаши мумкин.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган резолюция аслида тинч аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса ҳам, резолюциянинг НАТО томонидан амалга оширилишида халқаро ҳуқуқ меъёрларининг жиддий бузулиши кўзга ташланди. 1993 йилда Америка аскарларининг ўлик таналари Сомалининг Могадишу кўчаларида судралгани халқаро ҳамжамиятнинг эътирозига қанчалик лойиқ бўлган бўлса, Қаддофийнинг ҳам Сирт шаҳри кўчаларида судралаётгани ва уриб-тепилиши ва ниҳоят ўлдирилиши ҳам ана шундай эътироз тўғдирмоғи лозим.

Миракмал Ниязатов,
Индианадаги Нотр
Дам университети
ҳуқуқшунослик йўналиши
талабаси

Навоийнинг польшалик таржимони билан суҳбат

Польша пойтахти Варшавада яшаб ижод қилувчи Жануш Крзизовский билан виртуал танишувимиз ўтган йили юз берганди. У камини ҳақида Алишер Навоий ва ўзбек адабиёти тарғиботида қаратилган www.navoigarden.com сайти ва Интернетдаги мақолалар ва таржималар орқали хабар топган, электрон почтага хабар ёзиб, дўстона адабий ҳамкорликни йўлга қўйиш таклифи билан чиққанди.

Даставвал, жаноб Жануш Крзизовский ҳақида қисқача сўз:

1939 йили Польшанинг Лодз шаҳрида таваллуд топган Жануш Крзизовский Тиббиёт академияси ва Варшава университетида таҳсил олган. Ерни ўрганиш бўйича Польша илмий жамиятининг аъзоси. Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига катта қизиқиш билан қарайди. Кўплаб шарқ мамлакатларига саёҳат қилган ва қатор китоблар ёзган.

Жануш Крзизовский билан ҳамкорликда амалга оширган биринчи ишимиз унинг рус тилида нашр этилган Алишер Навоийнинг “Сокровищница мыслей” (“Хазойнул-маоний”) китобидан поляк тилига таржима қилган қатор ғазалларнинг ўзбекча муқобилини топши ва уни лотин ёзувига ўзиришдан иборат бўлди. Кейинчалик, Жанушнинг айрим таржималари Тошкентда яқинда нашр этилган “Қуш тили” (The Language of the Birds) халқаро шеъринг антологиясига киритилди. Биз у кишини шу йил сентябрь ойи охирида Алишер Навоий таваллудига бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманга таклиф қилиш ҳамда уни ўзбек ўқувчилари ва адабий доираларга таништиришни истаган, у билан юзмаюз кўришиб, суҳбатлашмоқни орзу қилган эдик, афсуски, баъзи расмийликлар бунга имкон бермади. Ўйлаймизки, келгусида ҳазрат Навоийни польшаликларга таништиришда жонбозлик қилаётган бу меҳнатсевар инсонни юртимизга таклиф этиш шарафига эга бўламиз. Қуйида поляк таржимони билан унинг шарқ адабиётидан қилган таржималари ва ҳамкорлик борасида қилганимиз қисқача суҳбат билан танишасиз.

А.О.: Муҳтарам Жануш Крзизовский, марҳамат қилиб айтинг-чи, ҳазрат Навоийни ўз она тилингиз бўлмиш поляк тилига таржима қилиш ғояси сизда қандай пайдо бўлди?

Ж.К.: Мен 1989 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди билан қизиқиш қолганман, ўшанда ўзбек шеърятига бағишланган поляк тилида чоп этилган антология кўлимга тушиб қолганди. Унда Бобур ғазаллари билан бирга Алишер Навоий ижодидан ҳам намуналар киритилган эди. Навоий ғазаллари билан биринчи марта ўша пайтлар танишганман. Варшава Университетида фалсафа фани бўйича илмий иш олиб борган йилларимда Ҳиндистоннинг қадим маданияти мени ўзига ром этган. Кейинчалик, мен форс тилида яратилган бадиий адабиётни ўргана бошладим, Умар Ҳайём, Жалолиддин Румий, Ҳофиз ғазалларини поляк тилига таржима қилдим. Шарқ мени чин маънода ўзига мафтун қилган, ер куррасининг шу қисмида жойлашган мамлакатларга сайру саёҳатга чиқиш жону дилим. Бир гал Уйғуристонга ҳам сафар қилдим, бу эса ўз навбатида Марказий Осиёга қизиқишимни орттирди. 2009 йили Ўзбекистонга ҳам ташриф буюриб, унинг диққатга сазовор жойлари, қадимий ва бетакрор маданияти билан танишдим. Сафар асносида мамлакатингиздан жуда яхши китобларни, жумладан, Навоий асарларини сотиб олиб, ўз юртимга нутилмас таассуротлар билан қайтганман. Яқин ўтган йиллар давомида Варшавада яшовчи ҳинд шоири Сурендер Бутҳани билан ҳамкорликда унинг ғазал ва рубоийларини, шунингдек, урду тилида ижод қилувчи бошқа бир қанча классик ва замонавий шоирларнинг асарларини поляк тилига ўғирдим.

А.О.: Ўзбекистонлик адабиёт ихлосмандларига поляк мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакиллари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

Ж.К.: Бу саволингизга бир оғиз гап билан жавоб бериб бўлмайди, албатта. Ўтмишда поляк халқининг ўзига яраша жуда кўп машҳур ёзувчи ва шоирлари яшаб ижод этган. Хусусан, мен бу ўринда Алишер Навоийга замондош бўлган буюк поляк шоири Миколай Рейни (1505-1569) айтиб ўтмоқчиман. У поляк миллий тилида ижод қилган. Ўша пайтлар Миколай Рей “поляклар асло ғоз эмас, уларнинг ўз она тили мавжуд”, дея поляк тилида асарлар битган.

А.О.: Ҳазал шарқ мумтоз адабиётда бошқа шеъринг жанрларга қараганда бирмунча мураккаб экани билан ажралиб туради. Сиз Навоий ёки бошқа шарқ сўз усталарининг ғазалларини таржима қилганда,

уларга хос ўйноқлик, шакл, қофия, радиф каби муҳим шеъринг унсурларни сақлаб қолдим, деб айта оласизми?

Ж.К.: Ҳазал ҳалигача шарқ шеърятда кенг тарқалган жанр ҳисобланади. Европада Гарсиа Лорка ғазал ёзишни бошлаб берган, аммо Испанияда араб маданияти 700 йилга яқин вақт мобайнида ҳукм сурганини ҳисобга олсак, у қайсидир маънода шарқ маданиятини намоян қилгандай таассурот уйғотади. Иккинчи жаҳон уруши даврида польшалик бир шоира рубоийлар ёзганидан хабарим бор. Таржимага келсак, мен иложи борича ғазалдаги баҳр, матлаъ, мақтаъ, қофия ва радиф кабиларни савлаб қолишга уринаман, аммо икки тилнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги сабабли бунинг иложи ҳар доим ҳам бўлавермайди. Баъзан ғазал поляк адабиётдаги шеър кўринишига кириб қолиши мумкин. Поляк тилидаги шеърлар асосан 13 бўғиндан иборат. 1989 йили Навоийнинг баъзи ғазалларини Тадеуш Милевский поляк тилига таржима қилиб, махсус баёзга киритган, бироқ унинг таржимаси ҳозирги замон ўқувчиси учун бир оз мураккаб ёки ғализдек туюлади. 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида поляк тилида сезиларли ўзгаришлар юр берди, ҳозирги замон ўқувчиси ўзгача шакл ва бошқача сўзларни қўллаб бошлади. Камини поляк тилига таржима қилган асарлар ўқувчиларга манзур бўлади, деб умид қиламан.

А.О.: Шарқ халқлари маданияти ва шеърятини билан қизиқиш баробарида ўзингиз ҳам бадиий ижод билан шуғулланиб турасизми?

Ж.К.: Йўқ, аммо Худо мени бошқаларнинг ижодига ошно этганидан жуда хурсандман.

А.О.: Сиз Навоий ғазалларини поляк тилига қайси тилдан таржима қилгансиз? Қадимги турк ёки чиғатой тилидан хабарингиз борми? Навоийни аслиятда ўқигансизми?

Ж.К.: Мен Навоий ғазалларини уларнинг русча таржимасидан полякчага ўғирганман. Навоийни аслиятда ўқиш, қадим турк тилини ўрганиш орзуимдир.

А.О.: Навоий ғазалларини ўқиб, таржима қилар экансиз, сизнинг эътиборингизни нима кўпроқ тартади?

Ж.К.: Аввал айтиб ўтганимдек, менинг форс ва урду шеърятидан озми-кўпми хабарим бор. Умуман, шарқ шеърятдаги муסיқийлик мени ҳар доим ўзига ром этади. Форс дўстларимнинг аксарияти муסיқашунос. Қолаверса,



Жануш Крзизовский

мен ҳинд муסיқаси ҳақида асар битганман. Бироқ, Навоийни ўқиш ва таржима қилиш мен учун ўзгача бир дунёга киришдай гап, буни тасвирлаб бериш осонмас, ўзимни гўё Шалимар боғларида сайр қилиб юргандай ҳис қиламан. Ўхшаш дарахтлар, гулу чаманлар, ажиб ифорлар... лекин гўзалликнинг ўзгача рангини дилдан ҳис этман доим.

А.О.: Навоий шеърятини билан яхшигина таниш эканингиз мени фаҳрга тўлдиради. Унинг яна қандай асарларини мутолаа қилгансиз?

Ж.К.: Айни пайтда мен Алишер Навоийнинг “Лисон-ут тайр”, яъни “Қуш тили” асарини инглиз тилида ўқияпман.

А.О.: Сизнинг фикрингизча, адабий асарларнинг дунё халқлари орасида кенг тарқалишида таржима қанчалик аҳамиятга эга?

Ж.К.: Назаримда, жаҳон санъати, маданияти ва адабиёти – бунинг бари инсониятга бирдай тегишлидир. Биз дунё халқлари меросини тан олишимиз, улар билан яқиндан танишимиз, шу орқали руҳий ва маънавий бойлигимизни ошириб бормоғимиз лозим, зеро маънавияти юксак инсон бузғунчилик, зулм ва гафлат ботқоғига асло яқин йўламаслигига ишончим комил. Шу маънода халқларни ўзаро бир-бирига таништириш ва яқинлаштиришда таржиманинг ўрни бекиёсдир, деб айта оламан.

А.О.: Европада, хусусан, Польшада Навоийни билишадими, унинг асарларини ўқишадими? Сиз Навоийни польшаликларга таништирар экансиз, кўнглингизда нималар кечади?

Ж.К.: Бу жуда мураккаб жараён. Менимча, бугун китоб ўқувчиларнинг сони сезиларли даражада камайиб кетган. Кўпчилик телевизор, радио, Интернет каби восита-

лар билан чекланиш етарли, деб уйламоқда. Шеъринг китобларни эса ҳақиқий шеър ишқибозларигина қўлга оляпти. Шу боис мен таржима асарларимдан фойдаланишни истовчиларга муаллифлик ҳуқуқини бажонидил бераверман. Навоийни ҳам Польшада яхши билишди, деб айтишим қийин, аммо оз бўлса-да шундай буюк бир истеъдодни полякчага ўгириш шарафига эга бўлганимдан жуда хурсанд бўламан.

А.О.: Таржима асарларингизни нашр эта олдингизми? Бу борада қандай режалар, ечилиши керак бўлган муаммолар бор? Ҳозир қандай иш устида ишляпсиз?

Ж.К.: Тўғриси айтганда, таржималарим босилишини жуда истаيمان, бироқ мен фойда олишни кўзламасам ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида бундай имкон топилмиши осонмас. Адабиётни севувчи саховатли ҳомийлар топилса қанийди! Ҳозир Алишер Навоий ғазаллари жамланган китобга сўз боши ёзаяпман. Агар поляк ва ўзбек тилларида ушбу китобни Ўзбекистонда ёки Польшада босиб, кенг китобхонлар оmmasига тақдим эта олсак, жуда савоб иш бўлган бўлур эди. Бу китобни анъанавий миниатюра намуналари билан безатилса, нур устига нур бўлади.

А.О.: Таржимонлик фаолиятингизга улкан зафарлар тилар эканман, Навоийни поляк тилига таржима қилганингиз, қизиқарли таклиф киритганингиз учун сизга чуқур миннатдорлик изҳор қиламан ва келгусида биргаликда йирик адабий лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдираман.

Ж.К.: Варшавага марҳамат қилинг, сиз билан кўришиш ва дўстона ҳамкорлик қилишдан бошим осмонга етади.

Суҳбатдош:
Аъзам ОБИДОВ

ШҶРОИ ИСЛОМИЯНИНГ ҚАРОРНОМАСИ*



© Макс Пенсон

Муҳтарам мусулмонлар!

Ҳозирги қийматчилик ва озиксизлик шул қадар кўрқинчлик даражага бордики, кўп оилалар, фақир ва бечоралар пулга ҳам озук тополмасдан кўча-ба кўча саргардон бўлиб, неча кунларгача оч турмоққа мажбурият кўрурлар. Ҳозирда давом этуб турғон даҳшатлик уруш, бу йилги сувсизлик ва чоғирдка балолари бу ҳолни минбаъд яна кўрқинчлироқ даражага олиб борадирғонга ўхшаб кўринадур. “Туркистон мусулмонларининг сийезди” мана шул ҳолни эътиборга олинмак, орамизда бўлуб турғон баъзи бидъат ва исрофот ишларни, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, қазоқлар орасидаги улоқ, пойга ва жаноза кунни бўладирғон исрофотни билкуллия барҳам бермоққа қарор берди.

“Шўрои Исломия”нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошкентнинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг аксарини шариатга хилоф топдилар ва

ўз оралариндан бир комиссия сайлаб, тўй ва маъракаларни бундан буён қуйидаги тартибда қилинсин, деб халққа эълон қилмоқни шул комиссияларга топширдилар.

Биринчиси, жаноза кунни имом ва уламоларга йиртиш ва чопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларга қора кийимликлардек нимарсалар бермоқ, юғучи ва отунларга ижройи хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермоқ, отинлар келиб товуш чиқориб ўқимоқ, садр қилмоқ, хотунларга улашиладирғон йетти, гул, қовоқ оши, қор ёғди, лайлак келди, қовун-узум, йигирма, қирқ, ҳайит, фотиҳа ва йил ошидек халққа ош бериладирғон исрофдир? қозоқлар орасидаги йил оши, пойгалар ва аҳил касабалар

тарафидан арвоҳ, пари исми билан бериладирғон ош ва зиёфатларни йўқ қилинди ва булар бадалига жаноза кунни давлатлик кишилар уламо-имомларга пул бериш, хайрот қилмоқлари ҳам(да) юқориди мазкур маърака кунларида маҳалладан уч-тўрт киши чақириб хатми Қуръон қилдирмоқлари мумкинди.

Иккинчи, қиз тўйларида совчигарчилик, фатир, кичик тўй, қозон қайтариш, катта тўй, базм ва кеча исрофлари ва юз кўрар, ҳайитларда мол ёйиб, келин кўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ кунларида яллагилар ўйнамоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, “тўққиз-тўққиз”, сандуқларда чуриб кетатурғон гулкўрпа, фалак кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин миёнча кўтариб ёки ароба ва туяларга ғалла ва бошқа хил нарсалар ортиб тўй юбормоқ, қозоқлардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъат-

лар билкуллия мамнуъдир. Бунлар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим ва зарурият уй асбоблари тўғрисида пул ила битишунлар, ҳам никоҳ кунни куёв ўзи ошналари ва маҳалла кишилари бирлан бекарнай, фақат сурнай бирлан бориб никоҳ қилурлар ва келин тараф ўз қариндошлари бирлан келинни олиб борурлар. Фақат, куёв ила борадурғон кишиларнинг йигирма-қирқ кишидан ошмаслиги лозимдир. Чорлари ҳам мартаба кунни бўлиб, куёв ила бирга борадурғон кишилардин келин ила борадурғон хотунлар ҳам ўн кишидан ортуқ бўлмасин. Чорлари фақат таом йемоқ учунгина бўлиб, тугиб олиб кетмоқлари ва яна бешик тўйи, чиллагаризонлар бутунлай йўқолиб бицунлар.

Учинчи, ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар чақируб ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун оши бермоқ, хатна қилинадирғон болаларга наша ва ҳам кўча-ба кўча саргардон қилиб, оқча йиғмоқ ва шунларга ўхшагон исрофлар билкуллия мамнуъдир. Фақат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чақируб кичикроқ бир мавлуд мажлиси ясаб ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигина чақируб, ўғилларини хатна қилдирурлар.

“Шўрои Исломия” давлатлик кишилардин илтимос қиладурки, мавлуд мажлисини ҳам кўб катта қилиб юбормасдин, мумкин қадар қасдириоя қилсалар (тежаб сарф қилсалар) ҳам тўйда... пул ва ғалла сарфи маҳаллаларидаги оч ва яланғоч, бевабечораларга, мактаб ва мадраса ва жамияти хайрияларга берсалар.

Ушбу тартибга муҳолифат қилғон кишиларнинг маърака ва тўйларини тўхтамли ва айбнома (протокол) ёзув қозиларга топшурмоқ ва шаҳар бошлуклариға ҳавола қилинади. Бундай кишиларни шаръан ҳаром бўлғон исрофгарчилиги учун муҳтарам қозилар шариатга мувофиқ қаттиғ жазога мустаҳиқ қиладурлар. Муҳтарам маҳалла имомлари ва маҳалла кўмитетларидин илтимос қиладурки, ушбу эълонномани халққа тушунтириб, халқни ушбу тартибдан чиқмаслигига тарғиб ва ташвиқ

қилсалар эди. Чунки жаноби Ҳақ таоло исроф қилғувчиларни суймас.

“Шўрои Исломия” раиси муовини Мунавварқори

Мулло Саид Аҳрорхон махсум
Мулло Муродхўжа эшон,
Мулло Муҳаммадхўжа эшон,
Мулло Абдусамиъқори

“Нажот” газетаси, 1917 йил 28 апрел, 10-сон

**ШҶРОИ ИСЛОМИЯ – Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти. 1917 йил 14 мартда Тошкентда тuzилган. Унинг ташкил топишида Мунавварқори Абдурашидхононинг хизмати катта. Ташкилот фаолиятида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўқай ўғли (1890-1941), Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) каби маърифатпарварлар фаол иштирок этган. 1917 йилнинг апрелида ташкилот ташаббуси билан Бутун Туркистон мусулмонларининг 1-қурултойи ўтказилди. Унда қабул қилинган ташкилот дастурида ўлка мусулмонлари орасида ислохотлар ўтказиш, минтақадаги барча мусулмонларни ягона фикр ва маслак асосида бирлаштириб, Туркистонга мухторият мақомини бериш асосий вазифа сифатида белгиланган. “Шўрои Исломия” бутун ўлкадаги мусулмонлар манфати учун курашганлиги туфайли у ўзида турли халқлар ва табақалар вакиллари бирлаштирган эди. Ташкилот “Шўрои Исломи” номли жариди ҳам чиқарган. Тараққийпарвар зиёлилар (жадидлар) билан айрим анъанавий уламолар (қадимчилар) ўртасидаги келишимовчиликлар “Шўрои Исломия” ташкилоти сафида тарафқашлик юз беришига олиб келди. Ундан ажралиб чиққан бир гуруҳ уламолар “Шўрои уламо” жамиятига асос солди (1917 йил, июн). Туркистонда Совет режими ўрнатилгач, 1918 йил бошида “Шўрои Исломия” ташкилоти фаолияти бутунлай тақиқланди.*

МАНЗУМА

Эшитдимки, шу кунларда кўп яшаган қари чол
Кекса боши билан ўйлаб, бўлибди бир қиз олмоқ.

Бир гўзалга совчи қўймиш, оти экан Марварид,
Қутичага яширмоқчи эл кузидан кўп йироқ.

Тўй-маросим кунларида ҳамма нарса жо-бажо,
Аммо синмиш чол ҳассаси биринчи ҳамладаёқ.

Қалин мато тикмак учун пўлат игна керакдир,
Чол камонин тортган билан мўлжалга бормас яроқ.

Дўстларига ҳасрат қилиб, зорланибди келиндан,
“Хони моним торож этди шўх кўзли бу гулёноқ”.

Эру хотин орасида шундай жанжал кўпибди,
Қози, ҳоким аралашгач, Саъдий очибди дудоқ:

“Бу можаро, жанлажларда йўқдир қизнинг гуноҳи,
Марваридни қандай тешар қўли бўлса қалтироқ”.

Шайх САЪДИЙ,
“Гулистон”

Муҳаббат аталмиш ҳисга асир бўлган севишганлар.
Бу ҳис сабаб кару-соқов, басир бўлган севишганлар.

Кеча-кундуз боғлар кезиб, кўплар оромини бузиб,
Подъездларда кўшнилardan хўб қувилган севишганлар.

Ўзин билмай, юзин кўрмай, суҳбатидан баҳра олиб,
Асл исмин эмас, чатда “ник”ин билган севишганлар.

Тўрт фаслда турли севги борлигига ишонганлар,
Ҳар фаслда севгилисин алмаштирган севишганлар.


Фарҳод-Ширин афсонадур, Лайли-Мажнун андозамас,
Ўзи учун янги тимсол бўлиб олган севишганлар.

Шер оғанинг кўшиқлари бир чеккада қолиб кетиб,
Эминемнинг кўшиқларин гимн қилган севишганлар.

Сафингизга кўшилолмай турган Шамол вас-васдурман,
Ишонманглар, ёзганларим бари ёлғон, севишганлар.

Эркин КАРИМОВ,
Фарғона вилояти

СЕВИШГАНЛАРГА



АДВОКАТ ВЛАДИСЛАВ СИРОТА

Член Американской Коллегии
Иммиграционных Адвокатов



- ПОЛИТУБЕЖИЩЕ
(тщательная профессиональная подготовка)
- ДЕПОРТАЦИОННЫЕ СЛУШАНИЯ
- ПОМОЩЬ АРЕСТ. НА ГРАНИЦЕ И В АЭРОПОРТАХ США
- СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИНТЕРВЬЮ
- ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В АМЕРИКАНСКИХ
КОНСУЛЬСТВАХ ЗА ГРАНИЦЕЙ
- ЗАПОЛНЕНИЕ НА ГРИН-КАРТ И ГРАЖДАНСТВО
- РАЗВОДЫ
- ДЕЛОВЫЕ КОНТРАКТЫ
- ВИЗЫ В-2/Н1В/Ф-1/К-1

(718) 265-59-00

128 Brighton 11th Street, 2nd Fl. Brooklyn, NY 11235

★ ★ ★ ★ ★

PRIVATE SCHOOL
CONCORD RUSAM INC.
LICENSED BY THE NEW YORK STATE EDUCATION DEPARTMENT

Tibbiyot sohasida tez va oson ish topish istagida bo'lganlar diqqatiga!!!

Concord Rusam, Inc. xususiy maktabi sizga AQShda eng kerakli bo'lgan tibbiyot kasblari bo'yicha ta'lim olish imkoniyatini beradi. Quyidagi qisqa muddatli o'quv kurslarini taklif etamiz:


- Certified Nurse Aide (CNA)
- Phlebotomy Technician
- Electrocardiography Technician (ECG)
- Patient Care Technician (PCT) – Includes Certified Nurse Aide, Phlebotomy Technician, and Electrocardiography Technician.
- Medical Billing and Coding (MB&C)
- Home Health Aide (HHA)
- Upgrade of Personal Care Aide to Home Health Aide (PCA-HHA)

Concord Rusam nazariy va amaliy bilimlar beradi. O'qish so'ngida maktab binosida imtihonlar topshiriladi.

Shuningdek, maktabimiz **hamshira (Registered Nurse) litsenziyasini olish uchun** topshiriladigan NCLEX imtihoni uchun Tayyorgarlik kursini ham tashkil etadi. Ushbu kurs leksiya, kitoblar, qo'shimcha materiallar, test savollaridan iborat CD hamda videodarslar asosida olib boriladi.

Qo'shimcha ma'lumot va ro'yxatdan o'tish uchun quyidagi raqamlarga qo'ng'iroq qilishingizni so'raymiz:
Tel: 212-619-2260 **Toll Free:** 877-787-4500 **Fax:** 212-6192263
E-Mail: info@concordrusam.com
Website: www.concordrusam.com
Address: 160 Pearl St. 3rd Fl, New York, NY 10005

**Professional & Affordable
Computer Repair & Services**




- Operating System Install / Repair
- Virus and Spyware removal
- Windows system Optimization
- Recovering deleted documents
- PC Hardware Replacement
- Parental Controls

+ Diagnosing & Optimizing at NO COST

We go directly to your home or office


**Тез ва Кулай
Компютер Тузатиш**



- Операцион системани созлаш
- Вирусларни учирши
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Учиб кеткан файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш

Уйингиз ёки ишхонангиздаги компютерни созлаш

"Individual Computer Learning Courses"
Microsoft Office • Movie maker • Installing Programs
Adobe Photoshop • Adobe Illustrator • Web Designing



**Call for appointment
T: (347) 445-4648
Shohruh**

**2705 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11235
nyComRe@gmail.com**

Мамлакат аҳолиси жамғариш қобилиятининг юқорилиги, инвестициялар жалб қилиш учун рағбатлантирувчи муҳит яратилганлиги, меҳнат бозорида рақобат муҳитининг мавжудлиги ва унинг қонуний ҳимояланганлиги оқибатида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг муттасил ошиб бораётганлиги каби омиллар мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли яшаш даражасининг яхшиланганини таъминловчи воситалар бўлиб ҳисобланади.

Масалан, аҳоли жон ҳисобида ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи Японияда 40 минг доллардан ортиқ эканлиги, дунёнинг энг қашшоқ давлатларидан бири бўлган Эфиопияда эса 140 долларга тенг эканлиги ва улар ўртасида изоҳ талаб қилмайдиган кескин фарқланиш мавжудлиги фарб иқтисодчи олимлари томонидан такрор-такрор тасдиқланган “бойларга бойлик, камбағалларга болалар” тамойилининг инкор этиб бўлмайдиган аксиома эканлигини кўрсатади.

Мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш ва уни ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишида илм ходимлари — олимларнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Жанубий Кореяда мамлакат иқтисодиёти чуқур иқтисодий таназзулга юз тутган даврда, ҳукумат бутун дунёдан корейс миллатига мансуб олимларни мамлакатни иқтисодий таназзулдан чиқариш бўйича дастур ишлаб чиқиш учун таклиф қилганди. Улар томонидан тайёрланган мамлакатни иқтисодий таназзулдан чиқариш дастури асосида мавжуд тизим ислоҳ қилиниши оқибатида иқтисодиёт тармоқларида оламшумул ютуқларга эришилди ва у дунёнинг индустриал ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилди.

Табиий савол туғилади, мамлакатлар иқтисодиётини кўтаришда олимлар беҳисоб рол ўйнаган экан, қани ўша олимлар? Нега улар ўзларини кўрсатмаяптилар?

Очиқ айтишимиз лозим, ўзбек фанида маълум чекиниш ҳолатлари келиб чиқишининг асосий сабабларини муштабид тизим шароитида олимларни шакллантириш тизимида йўл қўйилган қатор камчиликлар, олимлик даражасининг берилишида миллий кадрлар ҳисобга олинмагани, яъни ҳамма учун бир хил талабларга амал қилинганлиги, жараён ўта марказлаштирилган ҳолда амалга оширилганлиги, унинг асоратлари тўлиқ тугатилмаганлиги, айрим ҳолатларда ҳамон давом этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда муштабид тизим шароитида шаклланган олимлар тўғрисидаги оддий халқ фикрига қулоқ тутиб кўрсак, фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман! XX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийси вилоятлари раҳбариятининг таклифи билан жойларда ташкил этилган хўжалик раҳбарларининг ўқишларида қатнашиш менга ҳам насиб қилганди. Ўша пайтдаги хўжалик раҳбарларининг олимлар тўғрисида ўзаро суҳбатида қулоғимга чалинган айрим гаплар мени ҳамон безовта қилиб келади. Биз билан бирга вилоятга борган фанда ўзига хос ўринга эга бўлган бир профессорга сўз берилди. У киши ўзига берилган мавзу доирасида маъруза қилди ва ушбу мав-

зуга тегишли бўлган масалалар бўйича тушган саволларга баҳоли қудрат жавоб берди. Машғулотлар тугаб, танаффусга чиқганимизда бир гуруҳ хўжалик раисларининг профессор билан бўлиб ўтган мулоқотни ўзаро муҳокама қилиб туриб:

“Агар профессорларимиз шундай бўладиган бўлса, буёғи нима бўлади” деган гапларини ноҳосдан эшитиб, баданимдан совуқ тер чиқиб кетгани ҳали эсимдан чиқмайди. Чунки олим киши учун, олимлар тўғрисида бундай салбий фикр эшитиш ортиқча изоҳ талаб қилмас керак!

Таниш-билишчилик ёхуд бошқа йўллар билан илмий даражага эга бўлган, ўзбек олимлари шаънига мана шунга ўхшаш иснод гаплар айтилишига сабабчи бўлган, фанга тасодифий келиб қолган олимлардан қутилиш учун нима қилиш керак, деган ўринли савол туғилади. Чунки токи ана шундай олимлардан қутулмас

энди кириб келаётган мутахассисларни ҳам тарбиялаш лозим. Олимлар сафига қўшилишни хоҳлаган мутахассислардан юқори савиядаги илмий ишларни талаб қилиш учун, шифокорлар беморни консилиум орқали даволаш усулини белги-

мий тамойил шартларидан келиб чиқиб ёндашса, иккинчи гуруҳга мансуб олимлар эса масалага кўпроқ амалиёт нуқтаи назаридан қарайди. Натижада фанда фундаментал муаммолар иккинчи даражали масалаларга айланиб қолади.



Тошкент Давлат Техника Университети

ЎЗБЕК ФАНИ УНИНГ “ОҒРИҚ” ЛАРИ ҚАЕРДА?

эканмиз, ўзбек фани ўз нуфузига эга бўлмайди!

Мустақилликка эришганимиздан кейин илмий даража беришда марказга боғлиқлик тугатилди, лекин собиқ тузум фанига тегишли бўлган “оғриқли нуқталар” тўлалигича ўз ечимини топмаётганлигини очиқ тан олишимиз лозим. Яна таниш-билишчилик орқасидан фанга кириб келаётган тасодифий олимлар сони кўпайган бўлса кўпайдики, камай-мади.

Амалдаги илмий даража ва унвонлар бериш тизимини ислоҳ қилиш ва дунёнинг ривожланган давлатлари андозаларига мослаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ва айни пайтда ҳам ана шу жараён давом этаётганлигини эътиборга олиб, мамлакатимиз олимлари нуфузини ошириш нуқтаи назаридан айрим фикрларимизни изҳор этишни жоиз деб топдик.

Йирик олимлар ўртасида бугунги кунда фан оламига кириб келаётган ёш мутахассисларнинг билим даражаси ва улар томонидан тайёрланаётган илмий ишлар савияси анча пастлиги оқибат-натижада олимларга нисбатан салбий муносабатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, деб ўзларини оқлашга уринаётганлари ҳам анчагина! Албатта, бундай ҳолатлар ҳам маълум даражада ҳақиқат эканлигидан кўз юммаслик лозим. Лекин асосий сабабчилар ёш олимлармикан, деган ҳақли савол келиб чиқади.

Чунки фанга кириб келаётган ёш мутахассисларни навниҳол ёки энди экилган кўчатга қиёс қилиш мумкин. Ушбу боғни эртага қандай ҳосил беришида боғбоннинг улуши ниҳоятда катта бўлади. Модомики шундай экан, фанга

ланганидек, илмий даража беришнинг ҳам аниқ талаблари ишлаб чиқиши керак. Яъни, аниқ талаблар ишлаб чиқилган тақдирдагина орқамизга қайта-қайта қараб, бажарилган ишлар савиясига баҳо бериш учун ортиқча вақт сарфлашга ҳожат қолмайди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда фан номзоди ва доктори даражалари беришнинг низомини қайта кўриб чиқишда қуйидаги ҳолатларга эътибор берилса фойдалан ҳоли бўлмайди.

Дастлаб илмий даргоҳ ва ихтисослашган кенгашларга раҳбарлик қилувчи олимларни танлаш ёки уларга кимлар раҳбарлик қилиши лозимлиги масаласига тўхтаб ўчак! Кейинги пайтда фан кўп ҳолатларда кундалик масалалар билан банд бўлиб қолмоқда. Йирик, фундаментал тадқиқотлар иккинчи даражали масалага айланмоқда. Бунинг асосий сабаби нимада? Бунинг сабаби аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам қайд этиш лозимки, айрим илмий даргоҳ ва ихтисослашган кенгашларга фан фидойилари эмас, ишлаб чиқариш соҳасида раҳбарлик лавозимида узоқ ишлаб, кейинчалик керак бўлиб қолар деб номзодлик ва докторлик даражаларини ҳимоя қилган олимларнинг раҳбарлик қилаётганлигидадир!

Фан фидойилари дейилганда илмий даражаларини бевосита илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларида ишлаб ҳимоя қилган ва илмий муҳитда шаклланиб фан доктори ёки фан номзоди бўлган олимлар тушунилади.

Очиқ-ойдин тан олиш лозимки, илмий кенгаш — бу амалиёт кенгаши эмас. Илмий муҳитда шаклланган олим билан амалиётчи олим ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Илмий муҳитда шаклланган олим масалага чуқур, ил-

Яна бир муҳим жиҳат, яъни муайян соҳа бўйича институтни битирган, лекин ишлаб чиқаришда дастлабки мутахассислиги эмас, бошқа соҳада ишлаб ва ундан фан номзодлиги ҳамда докторлиги илмий даражаларини олган олимларни ихтисослашган кенгашларга раҳбарлиги масаласидир.

Бизнингча, дастлабки мутахассислиги соҳага тўғри келмайдиган олимларни ихтисослашган кенгашларга раҳбарлик қилишларини қатъий таъқиқлаш керак! Чунки бундай олимлар ушбу фаннинг бир ёки икки муаммоси устидagina тадқиқот олиб бориб, олимлик даражасини олганлигини эсдан чиқармаслик лозим. Бундай раҳбарларнинг ўша фан алифбосини билмаслигидан, биринчи навбатда, фанга энди кириб келаётган ёш олимлар қийналади, энг асосийси жамият зарар кўради.

Фанга энди кириб келаётган юқори илмий салоҳиятга эга бўлган ёш мутахассис билан ушбу фаннинг алифбосини билмай туриб, унга раҳбарлик қилаётган олимни турли тилларда гаплашадиган икки миллат вакилига ўхшатиш мумкин. Дастлабки қадамданок ўз фикрини тушунтира олмай номақбул ҳолатга дуч келган ёш мутахассиснинг иштиёқи ёки шашти қайтиши табиийдир. Соҳанинг иқтидорли мутахассиси бўлган ёш олимнинг, фанга нисбатан салбий ҳулосага келиши ва уни ташлаб кетишидан жамият фақат зарар кўради. Унинг ўрнига эса яна фан учун бегона бўлган мутахассис келмаслигига ким кафолат бера олади?

Дастлабки мутахассислиги аграрном бўлиб, амалиётда ишлаб юрган даврда бошқа соҳада докторлик даражасини олган олим тақдир тақазоси билан докторлик диссертацияси йўналишидаги институтга раҳбарлик ва бир вақтда ушбу институт қошидаги ихтисослашган кенгашга раислик қилди, дейлик.

Аграрномия фанининг алифбосини чуқур билган раҳбарнинг фикрлаши албатта амалиёт билан боғланган ва аграрномча бўлишидан кўз юммаслигимиз лозим. Кичкинагина қиссадан ҳисса шуки,

ихтисослашган кенгаш раисларини танлашда дастлабки мутахассисликни шу соҳада олган ҳамда ушбу муҳитда шаклланган олим бўлишлигини қатъий шарт қилиб қўйиш лозим. Чунки халқимиз “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин” деб бекорга айтмайди. Акс ҳолда сифатсиз олимлар кўпаяверади. Шундагина “Зағизгондан булбул чиқмаганидек” ўзини “фаннинг буюк алломасиман” деб ҳисоблайдиган айрим тасодифий олимлардан холос бўлишга дастлабки қадам қўйган бўламиз.

Раҳбарларимиз орасида бўлгани каби, фан соҳасида ҳам ўзини “даҳо” деб ҳисобловчилар пайдо бўлмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинаётган тадқиқот ишларига асосан бир нечта олимлар раҳбарлик қилаётганлигини келтириш мумкин.

Ўзбек фани обрўсини кўтаришнинг яна бир омили фаннинг юқори чўққиси ҳисобланган докторлик даражаси ҳимоясига кимлар қўйилиши ва ҳимоя қилиши керак, деган саволга жавоб топишдир. Кейинги пайтда мутлақо бошқа соҳада номзодликни ҳимоя қилиб яна тамоман бошқа йўналиш бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилишга орзумандлар кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолни америкашунос олимни дабурустдан японшунос олимга айланиб қолишига ёки бир ишни охирига етказмай иккинчи ишга қўл урадиган одамга ўхшатиш мумкин. Бундай олимлар фанда на ўз ўрнига, на фикрига эга бўлади. Ўзининг қатъий фикрига эга бўлмаган олимга кимдир осонроқ йўлни кўрсатиши ёки ўз хизматини тақлиф қилиши оқибатидагина мана шундай ҳолат юзага келади, холос. Юқорида таъкидлаганимиздек, ана шундай докторлар ҳатто оддий фуқароларда ҳам олимларга нисбатан салбий фикр уйғонишига сабабчи бўладилар. Чунинг учун тизимни ислоҳ қилишнинг янги босқичида докторлик диссертациясини “номзодлик диссертацияси”нинг йўналишидан чиқмаган ҳолда ҳимоя қилиш шarti қатъий белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фанни ислоҳ қилишда яна бир эътиборга молик масала — бу номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш шартларига аниқлик киритишдир. Яъни, бугунги кунда фан ходимларига, биринчи навбатда докторларга нисбатан салбий муносабат ва фикрларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири фанда ўзини кўрсата олмаган ёки ўз ўрнига эга бўлмаган, бошқачароқ айтганда, ҳали докторлик даражаси олиш учун тайёр бўлмаган ходимларнинг таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик орқали муддатидан олдин доктор бўлишига ҳомийлик қилиш ҳисобланади.

Пишиб етилмаган ва фан соҳасида ўзининг аниқ фикрига эга бўлмаган докторлар сафи таҳлил қилиб кўрилса, улар кўпчилик ҳолатларда фан докторларининг фарзандлари ёки қариндош-уруғлари бўлиб чиқади. Тўғри, албатта, ҳар ким ўзининг фарзанди ёки яқин кишига ёрдам бергиси келади, лекин бу ёрдам холис ва фаннинг обрўсини сақлашни кўзда тутган ҳолда бўлмоғи лозим.

Ана шунга ўхшаш салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун номзодлик ва докторлик диссертацияларини

ҳимоя қилиш оралиғида талаб этилади-ган энг кам муддат белгилаб қўйилиши талаб этилади. Масалан, бу иккита, яъни номзодлик ва докторлик даражаларини олиш оралиғидаги муддат ҳар бир фан хусусиятини эътиборга олиб 8-10 йилдан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилса, фанга тасодифий ёки бошқа мақсадларда келган одамлардан холос бўлиш ва олдини олиш имконияти яратилади.

Ўзбек фанининг обрўсини оширишда яна бир эътиборга молик ҳолат — бу бошқа мамлакатларда ҳимоя қилиниб, фан номзоди ва доктори даражалари олинганда, уларнинг олимлик дипломларини мамлакатимизда тан олинishi (настрификация қилиш) масаласига ойдинлик киритишдир. Бу ўринда бир масалани эсдан чиқармаслик керак, агарда мамлакатимизда тадқиқотчи ҳимояга қўётган мавзу бўйича етарли олимлар бўлмаганлиги туфайли ихтисослашган кенгаш фаолияти йўлга қўйилмаган ва мақсадли тадқиқот олиб бориш учун Олий аттестация комиссиясининг руҳсати бўлган тақдирда бошқа давлатларда ҳимоя қилинган илмий ишлар бўйича олинган олимлик даражасини берувчи дипломлар ҳеч қандай қўшимча шартларсиз тан олинishi лозим. Бунда ҳеч қандай иккиланиш бўлиши керак эмас. Ўзимизда ихтисослашган кенгашлар бўла туриб, бошқа давлатлардаги кенгашларда ҳимоя қилинган ишлар бўйича олинган дипломларнинг тан олинishини қатъий ман этиш лозим. Чунки, дейлик, иқтисод соҳасида тадқиқотчи ҳимоя қилган иш ўша мамлакат иқтисодиётидагина қўлланилиб ўз натижасини беради. Фандаги бу воқеа Ўзбекистонда на илмий, на амалий аҳамиятга эга бўлади.

Кейинги пайтда нисбатан паст савиядаги илмий ишлар ҳимоя қилинаётганлигининг яна бир сабаби, юқорида айтиб ўтилганидек, илмий кенгашларда кўпчилик ҳолларда бир ёки бир нечта олимларнинг шогирдлари ҳимоя қилаётганлигидир. Ҳар қандай олимнинг илмий салоҳияти қанчалик юқори бўлмасин, у маълум бир доира билан чегараланиши табиий ҳолдир.

Бундай чегараланиш олимнинг тақдим этилган иш билан танишиб чиқиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини беришда талаб қилинадиган вақт танқислиги билан изоҳланади.

Битта раҳбар томонидан маълум муддат давомида қанча кўп шогирд чиқариладиган бўлса, уларнинг ишлари билан тўлиқ ва чуқур танишишнинг имкониятлари камайиб, эътиборнинг пасайиши натижасида нисбатан паст савияли ишлар ҳимоя қилинишига туртки бўлади. Ана шунга ўхшаш салбий ҳолларнинг олдини олиш мақсадида бир йил давомида ҳимоя қиладиган шогирдлари сони фан докторлари учун 3 тадан, фан номзодлари учун эса 2 тадан ошмаслиги лозимлиги шarti киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир илмий кенгашларда ҳолис-ликни таъминлаш ва ҳимоя қилинаётган ишлар савиясини кўтаришга туртки бўладиган омил — бу ихтисослашган кенгашлар аъзоларини белгилаб бериш ва тасдиқлаш масаласидир. Ушбу масала бугунги кунда институт раҳбарияти тақлифлари асосида ҳал қилинаётганлиги ишларга баҳо беришда ҳолислик тамойили иккинчи даражали масалага айла-

ниб қолишига сабаб бўлмоқда. Чунки, институт раҳбарияти, тўғри бўладими, нотўғри бўладими, ўзларининг фикрларини қўллаб-қувватлайдиган, қисқача айтганда, фанда ўз фикрига эга бўлмаган олимларни кенгашларга аъзо қилишга ҳаракат қиладилар. Ҳимоя қилинаётган ишлар сифати пасайиб кетаётганлигига олиб келаётган асосий сабаб ана шу десақ хато қилмаган бўламиз.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун кенгаш аъзолари таркибини шакллантиришни “Олий аттестация комиссияси” тўлалигича ўз ваколатига олиши керак. Ва бу кенгашларга ҳолислик асосида

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар битта мақсад - ўзбек фанининг мавқеини кўтаришга қаратилган бўлиб, айримларнинг фикрига мос тушмаслиги шубҳасиз. Бошқа фикрга эга бўлган олимлар ҳам жалб қилинган ҳолда олимлик даражаларини бериш тартиби янгиланса нур устига аъло нур бўлар ва бугунги кунда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш учун имконият яратилган бўлар эди.

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Солиқ академияси профессори,
иқтисод фанлари доктори

WITH THIS COUPON ONLY!
Purchase of \$30 or more get 15% OFF
Purchase of \$18 or more get 10% OFF
Only delivery or pick up

NEW!



#1 Istanbul

Kebab House

Fresh And Healty Food

We Serve Halal Food

712 9th Avenue (btw 48-49 St.)
New York, NY 10019
Tel/fax: (212) 582-6262
Tel: (212) 582-8282

AIRPORT SERVICES IN NEW YORK

NEW YORK AGENT OF 'LEO AVIA EXPRESS'







Тошкентга Авиачипталар!

Аэропортда кутиб олиб, NYC аэропортидан 300 мил масофагача бўлган бошқа штатларга олиб бориб қўйиш, ёки олиб келиш.

Airline Tickets to Tashkent!

Meet You/Your guests at JFK, LGA and Newark airports and give ride to/from other states up to 300 miles from NYC Airports.

Asqar • Leo Avia Express • flytotas@gmail.com

T: 718-354-5000 • 718-570-7007

БИР ОФИЗ ШИРИН СЎЗ

Ёз. Иссиқ, нафасни қайтарувчи ҳаво. Маршрутка. Одам кўп. Ёнимда бир қария киши турибди. Атрофга аланглайман, бироррта жой берадиган йўлмикин? Шу пайт амаки:

- Қатортолга қаерда тушаман? – дея сўраб қолдилар.

- Амаки, билмадим, кондуктордан сўраб кўрасизми?

Амаки кондукторга ҳам худди шу саволни бердилар.

- Иккита остановкадан кейин тушасиз, - кондуктор йигитнинг ўрнига ҳайдовчи жавоб берди.

Амаки анча ёшлари ўтиб қолган киши.

Ҳайдовчи ойнасининг ярмига парда туширилган, амаки эса кўчани кўриш учун эгилиб қарайдилар. Мана икки остановка ҳам ўтдик.

- Болам, ҳозир тушаманми? – дея яна кондуктор йигитчага ўтинч билан қаради.

- Айтди-ку сизга, иккита остановкадан кейин, деб – йигитча кўзларида нафрат билан амакини жеркиб ташлади.

Энди йигитчани кузата бошладим. 7 ёки 8-синфларда ўқиса керак. Наҳотки бу йигитчага тўғрилиқ билан жавоб бериш шунчалик қийин? Аслида “яхши гап ҳам ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади”, дейдилар. Амаки унинг бу жеркишига индамадилар, яна энгашган кўйи кўчани кузата бошладилар. Мен эса йигитчадан кўзимни узмасдим. Унинг ҳам бобоси, бувиси бормикин? Бунга катталарга, қарияларга нисбатан ҳурмат билан муомала қилиш кераклигини ҳеч ким ўргатмаган эканда. Ёки кўча-кўйда юравериб инсон шунақа кўрс бўлиб кетадими?

Ахир, бу ҳамма билган, ёзилмаган

қонун бўлиб қолган. Менталитетимизда аввалдан катталарга ҳурмат, кичикларга иззат билан муомала қилиш урф бўлиб келган. Биргина “Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма”, деган мақолнинг ўзида қанча маъно бор.

Ўша амакининг бу кўрсликка сукут билан жавоб берганларини ҳам тушунгандай бўлдим. Ҳозир бир гап гапирса, ўнтасини жавобига эшитиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ёшларимиз қаерга қараб кетишмоқда? Кимдан таълим ва тарбия олишмоқда. Эртадан кечга қадар иш, иш, дея асосий дунёга келишимиз мақсадини унутмаяпмики? Ахир ўзимиздан кейин мана шу авлод қолади-ку? Биргина оддий саволга тўғри жавоб бера олмаган йигитчадан эртага ортимиздан дуо қилиб солиш амаллари билан руҳимизни шод қилиб туришни кутиш тўғримикин? Аввало, бу йигитчанинг айбими ёки ота-онасини? Аслида эътибор берсангиз, ҳамма жойда ёшлиқ тараннум этилмоқда. Реклама ва турли телеэфирлар ёшлиқнинг гўзаллиги, ва шу каби широрлар билан тўлган. Албатта, бу яхши, аммо кексаларимизчи? Мана шу тараннум ортидан фарзандларимизга ўз урфларимизни тушунтиришга вақт топаяпмики? Боласига, “Ҳа, оғзингдан қонинг кегур, кимга ўхшагансан сан ахмоқ”, дея қарғиш тўккан онанинг овозини эшитганда одамнинг эти жунжикади. Ахир тоза фитратда туғилган боланинг тарбиячиси биз – ота-оналар эмасми? Оқ қоғоз мисоли дунёга келган гўдакка биз илк ҳаёт ёзувларини ёзамиз. Уни қаргагандан кўра, ўзимизга дакки берсак бўлмаймики?


Дунё ҳаёти тезкор. Бугуннинг ёшлари эртанинг қариялари бўладилар. Бугун

куч қувватга тўла бўлганлар, эртага ёрдамга ва баъзи ҳолда бир оғиз ширин сўзга муҳтож қариялар бўладилар. Бу ҳаёт ҳақиқати ва буни ўзгартириш бизнинг кўлимизда эмас. Бугунги тараққий этиб турган кунимиз учун биз қайсидир маънода шу қариялар ёнида қарздормиз. Ҳадиси шарифларда: “Инсонларга марҳамат кўрсатмаганга Аллоҳ ҳам марҳамат кўрсатмайди”, дейдилар. Мусулмонимиз. Фарзандларимиз тарбиясига эътиборлироқ, масъулиятлироқ бўлиш вақти келмадимикин? Болаларимиз тарбияни кимдан ўрганишсин?

Ҳамма нарса оиладан бошланади, оила эса жамиятимизнинг бир бўлаги. Бу бўлакнинг асосий тарбиявий вазифаси оналаримиз елкасига тушади. Шунинг учун оналаримиз, қизларимизни миллий қадриятларимизни эъозлаш руҳида тарбиялаш лозимлигини англаб етдим.

Шу ўй-фикрлар билан боғчадан қизимни олиб уйга қайтдим. Уй ёнига яқинлашар эканман, менга тикилиб турган бир отахонга кўзим тушди. Шунда кун бўйи ўйлаганим, ўша кондуктор йигитчага қилган маломатларим хаёлимдан яшин тезлигида ўтди. Бировни бир айб учун маломат қилган инсонни Аллоҳ то ўша ишни маломатчи қайтармагунча жонини олмас экан. Маломатим ўзимга қайтиб турарди.

Мана шу амакини уч кундан бери кўраман. Пастки қаватдаги кўшнимнинг уйига меҳмонга келишган. Ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Уч кундирки, шу амакининг



ёнгинаси-

дан ўтиб бир марта салом бермаган эканман. Бировга ақл бўлиш осон, бир доно киши: “Агар ҳамма бировнинг хатосидан тафаккур қилишни билганда эди, ҳозир ҳамма подшоҳ бўлган бўлур эди”, деган эканлар.

Салом бердим.

“Ассалому алайкум”, - бу ортимдан келаётган қизимнинг овози эди.

“Ва алайкум ассалом, қизим, мулло бўлинг”, дедилар амаки табассум билан.

Қариялар болалар каби, уларга ҳам бир оғиз ширин сўз ва эътибор лозим, холос.

Мадина ЗАРИФ

ТАВАЛЛУД АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!



**Ҳурматли
Тамара опа Назарова!**

Сизни 27 октябрь таваллуд топган кунингиз билан муборакбод этамиз. Узоқ умр кўриб, оилангиз ва яқинларингиз бахтига соғсаломат бўлинг. Халқ хизмати йўлида олиб бораётган хайрли ишларингиз янада ривож топишини тилаб қоламиз.

“Ватандош” газетаси
таҳририяти

BIG APPLE MUSIC AWARDS 2011 For more information call (800) 593-6790

NOMINATION CONCERT LIVE
SHANZODA MILLENIUM THEATER NEW YORK
SATURDAY DECEMBER 3 8:00 PM

Amerikada o'zbek to'qlarida xizmat qilamiz:
Video tasvirga olish va montaj
Fotosuratga olish Tel: 202-716-3683
E-mail: photovideo@uzland.biz

KASHKAR cafe
Uygur Food 1141 Free Delivery International Food 718-743-3832
ЛАГМАН • МАНТЫ • ШАШЛЫК • САМСА

KASHKAR CAFE
1141 Brighton Beach Ave, (between Brighton 14th st. and Brighton 15th st.) Brooklyn NY 11235 USA.
Phone: 1 718-743-3832
www.kashkarcafe.com Email: info@kashkarcafe.com